

ISBN: 978-93-26265-56-8

АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



ЖАНАБЕРГЕНОВА
АЙСУЛЫУ
ЖАКСЫЛЫКОВНА



Published by
Novateur Publication
466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030
novateurpublication.org

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Күллөзма хукукида

УДК:

ЖАНАБЕРГЕНОВА АЙСУЛЫУ ЖАКСЫЛЫКОВНА

**АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент– 2023 йил

УДК 01 Ф

КБК 87

К 88

А.Ж.Жанабергенова Ахборотлашган таълим мұхитида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш.

Монография. –Самарқанд: СамДЧТИ нашриёти, 2021. - 146 бет.

Монографияда мустақил иш фаолиятининг ташкилий-услубий таъминоти такомиллашгандылығы, талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ва мустақил ишининг ўрни, ташкил қилиниши, йўл ва воситаларининг ривожлангандылығы, ўқув машғулотларини лойиҳалаш моделининг шакллантирилганда, замонавий педагогик технология асосида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ва шу асосида талабаларда мустақил фаолият юритиш кўникмасининг ривожлантирилганда билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мустақил ишлаш машғулотларининг ишлаб чиқилганда, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг механизмларидан 5110200-Физика ва астрономия ўқитиши методикаси бакалавр таълим йўналиши давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслек, ўқув ва методик кўлланмаларини яратишида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Масъул мұхаррир:

Тақризчилар:

Мазкур монография Нукус давлат педагогика институти илмий кенгашининг 2023 йил 26 январдаги б-рақамли қарори билан нашрға тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6272-5-3

© Шоира Кубаева, 2021

© СамДЧТИ нашриёти, 2021

КИРИШ.....	3
I БОБ. АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИНинг ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1.1. «Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш”педагогик муаммо сифатида.....	6
1.2. Талабаларнинг ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш методикасининг ўзига хос жиҳатлари.....	18
1.3. «Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш”технологиясининг ташкилий тузилмаси.....	35
1 боб бўйича хуносалар.....	53
II БОБ. АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ.....	55
2.1. Мустақил иш фаолиятини ривожлантириш мазмуни ва функциялари.....	55
2.2. Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини ташкил этишда ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш методикаси.....	75
2.3. Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ва бошқариш моделлари.....	103
2 боб бўйича хуносалар.....	123
ХУЛОСА.....	126
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	130

СЎЗ БОШИ

Дунёда олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил иш фаолиятини креатив (ижодий) қобилиятларини ривожлантиришнинг локал модули технологиялари таълим жараёнларига тадбиқ этилган. Бирлашган миллатлар ташкилотининг балония диклорацияси доирасида ўқитиши жараёнини фоаллаштириш таълим сифатини ошириш, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишни ривожлантириш, ўқитишнинг фаол ва интерфаол шакллари вариативлигини таъминлаш, булажак мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш бўйича таълим натижаларини баҳолаш тизимларини такомиллаштиришни йирик лойҳаларини амалиётга тадбиқ этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида таълим жараёни иштирокчиларининг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш, талабаларнинг шахсий-касбий, ижодий имконият ва интегратив тафаккурини шакллантириш, онлайн режимида ўқитишнинг психологик хоссаларини аниқлаштириш, тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан биргалиқда талабаларнинг мустақил иш фаолиятини компotentаларини ривожлантиришда замонавий дидактик воситаларидан фойдаланиш касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш, мультимедиа, ахборот-коммуникацияларидан кенг кўламда фойдаланиш, талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида хорижий давлатлар тажрибалари асосида талабаларнинг мустақил иш фаолияти, ўқув услубий таъминоти, янги ўқув технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларининг халқаро илмий таълим муссасалари билан хамкорлик

алоқалар ўрнатиши, ўқув жараёнига, халқаро таълим стандартларига асосланган педагогик технологиялар ва ўқув услубий материалларни жорий қилишнинг мъёрий асослари яратилди ва таълим муассасаларининг инфраструктуси ривожлантирилди. “Ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожлаган, ватанга содик, қаътий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” устувор вазифалар белгиланди. Натижада талабаларнинг мустақил иш фаолиятига бўлган қизиқишлиари ортиб, иқтисодиётнинг реал секторига малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4708-сонли қарори [1], 2020-йил 6 октябрдаги «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни i-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4851 сонли Қарори [2], 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5313-сон Фармони [4], 2018 йил 25 январдаги “Умумтаълим, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4513-сонли Фармони [5], 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3274-сонли Қарори [6], ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгилangan вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласади.

**І БОБ. АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

**1.1-§ «Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил
иш фаолияти методикасини такомиллаштириш” педагогик муаммо
сифатида**

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашда моддий омиллар ўринда таълим муасасаларида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш даражаси, салоҳияти ҳам зарур. Талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш ва давр талабларига мувоғиқ фаолият юрита олишлари учун зарур шарт-шароит яратишда олий таълим тизими алоҳида ўрин тутади.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 23 сентябрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 сонли қонуни қонунида ҳам таълим сифатини яхшилаш, талабаларнинг турли шаклларда таълим олиши (ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олиш (кундузги); ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш (сиртқи, кечки, масофавий); дуал таълим; оиласда таълим олиш ва мустақил иш фаолияти; катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш; инклузив таълим; экстернат тартибидаги таълим; мудофаа, хавфсизлик ва хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш) белгилаб қўйилган. Шундай экан, юқоридагиларни инобатга олиб мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш, мустақил ўрганишга қаратилган мотивацияни кучайтириш муҳим вазифа ҳисобланади [3].

Бугунги кунда ахборот технологиялари фани ва жумладан, инсон билимларининг ривожланишида кескин ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунда инсоннинг ички тузилиши, моҳияти, қадриятлари, психологик

қонуниятлари ва тафаккурининг хусусиятлари янгича намоён бўлмоқда. Долзарб ва муҳим бўлган вазифалардан бири мустақил иш фаолияти онги равища ўқув-билув фаолиятини шакллантириш, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда маълум бир мақсадларни кўзлаб, тафаккур операцияларини бажариш алоҳида талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг пухталиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлигини талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ва ўқувчанлигининг ривожига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ахбортлашган таълим муҳитида талабалар томонидан фаол ижодий ностандарт равища билим олишга ўргатиш, ақлий фаолиятга уйиштириш, ташкил этиш усуллари, воситалари, ҳамда талаба томонидан шуғулланиш технологияси, ишлаш иштиёқи, мотиви, майли, қизиқиши, ҳиссий интилишини амалга ошириш юзасидан мутафаккирларимизнинг қомусий фикрлари қарашлари мавжуд бўлиб, улар қуидагича ифодаланган.

Ахборот технологиясининг назариясига кўра «ахборот тушунчаси – бу (лотинча «информацион» тушунтириш, хабар бериш) кибернетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, хабар, маълумот, кўрсаткичлар мажмуасидир» - деган таърифни англатади.

Давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахбортлаштириш, унинг моддий-техник базасини бойитиш, ўқув жараённида аборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш учун керакли замонавий дастурий воситалар билан таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ахбортлаштириш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 октябрдаги 821-сон қарори «Ахборт-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида қарори»даги ва бошқа эълон қилинган қарорлари бунинг яққол мисолидир.

Демак «Ахборот - таълим мухити» аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир.

Ахборот - таълим мухитининг қуидаги типологик белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ҳар қандай даражадаги таълим мухити тизимлилик табиатига эга бўлган мураккаб тузилмали обьект ҳисобланади.

2. Таълим мухитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони англатиб, у ўқув муассасаси битиравчисининг шахсий ва қасбий моделини амалга оширишдаги таълим ва тарбия мақсадларининг амалга ошишини ўзида мужассамлаштиради.

3. Таълим мухити таълим ва тарбия ишларининг асосий шарти бўлиш билан бирга унинг муҳим воситаси ҳамдир.

Ахборот - таълим мухитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- инсон билан таълим мухитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси;

- анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер-телеқоммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим мухити.

Фикримизга кўра, ахборот таълим мухитини бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш лозим.

Олимлар математик тафаккур ривожланишига катта эътибор қаратадилар ва унинг остида нафақат алгоритмлаштирилган ҳаракатларни такрорлашни, балки таклиф этилган вазиятни - математизациялаш, унинг таҳлили, математик модель яратиш, зарур исботлар, умумлаштириш, аналогиялар ва хуносалар билан ечиш йўлларини ишлаб чиқишининг ностандарт талқиндангани амалий вазифаларини ечишни тушунадилар [36].

Тест топшириқлари асосида фундаментал математик ғоялар ётади (ўзгариш ва ўсиш, фазо ва шакл, ноаниқлик, миқдорий мулоҳазалар), уларда фазовий интеллект математик интеллектнинг муҳим ташкил этувчиларидан бири сифатида қаралади [112].

5110200- Физика ва астрономия ўқитиши методикаси бакалавр таълим йўналишининг малака талабларида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштиришга оид масалалар келтириб ўтилган.

Жумладан, математика ва табиий-илмий фанлар блокида қуидагилар келтирилган:

- муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;
- ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;
- ўқитишининг илмийлиги ва қўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедия имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;
- замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитиши индувидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириш;
- ўқитишининг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетлиқда қўллаш қобилиятини таркиб топтириш [9].

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ахборотлашган таълим муҳтида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш муаммоси ижтимоий зарурат эканлигини кўришимиз мумкин.

Мустақил иш фаолияти – бу ўқув муассасаларидан ташқарида эгалланадиган таълимот, у ўз хоҳиши бўйича ишлаш давомида амалга оширилади [33]. Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида мустақил иш

фаолиятини такомиллаштиришда ажратилган ўқув соатларининг 40% гача мустақил соатлар ажратилган.

“Мустақил иш фаолияти – ўқитувчи ёрдамисиз мактабдан ташқари жараёнда билимларни эгаллаш», дея таърифланган. Мустақил иш фаолияти, мустақил шуғуланиш каби иборалар қўлланилади.

Олий таълим жараёнида фикр юритиш операцияларидан унумли фойдаланиш эвазига ҳар қандай мураккаб билимларни эгаллаш имконияти вужудга келади. Талабалар математик тафаккур шакллари (тушунча, хукм, хulosha чиқариш) нинг функционал ва операционал жиҳатлари билан яқиндан танишадилар, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш учун барча интеллектуал резервларидан фойдаланишга ҳаракат қиласадилар. Хукм чиқаришнинг барча (якка, хусусий, умумий, зиддиятли, фаразий, инкор) кўринишларидан ўқув ва математика фанидан Мустақил таълим олиш фаолиятларида фойдаланиш шарт-шароитлари кўзда тутилади. Хулоша чиқаришнинг индуктив (хусусийдан умумийга фикрларнинг йўналганлиги) ва дедуктив (умумийдан хусусий холларга фикрнинг қаратилганлиги) йўлларидан муайян тарзда билиш фаолиятларида қўллашга интиладилар. Тушунчалар (якка, хусусий, умумий, яққол, мавхум, тўпланма) моҳиятини англашган ҳолда маълумотларни эгаллаш билимларнинг барқарорлигини таъминлайди. Буларнинг барчаси математик тафаккур ривожига асос бўлади.


Мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга оид топшириқларни мустақил бажариш талабалардан математик тафаккур операциялари (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, яққоллаш, мавхумлаштириш, гурухлаш, туркумлаш, умумлаштириш, системалаштириш) ва шаклларидан (тушунча, хукм, хулоша чиқаришдан) фойдаланишни талаб қиласади.

ОТМларда мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш – талабаларни ўқув фаолияти ёки таълимий усуллар билан таништириш математик тафаккур ривожида алоҳида ҳисобланади. Жумладан, математик тушунчаларга, математик холатларга турли нуқтаи назардан қараш усулини талабаларда таркиб топтириш ва уни шароитга (вазиятга) қўчиришга ўргатиш

юқори кўрсаткичлар беради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, одатда математик усулларнинг кўчишини «бирданига», аста секин, «бузиг-тузатиб», қайта кўриш, таркибини янгидан тузиш, кўргазмали материалдан математик (мантикий) материалга ўтиш каби кўринишлар мавжуддир.

Юқоридаги фикрларга таяниб мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш жараёнларини қуидагича таъсифладик (1.1-расмга қаранг).

Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолияти жараёни ва унинг билиш фаолиятига айланиши, айниқса, олий таълимда таҳсил олувчи талабалар томонидан амалга оширилиши, математика фанининг тадқиқот предметига ижтимоий воқеликдир.



1.1-расм. Мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари

Билиш фаолияти янгиликка интилиш тамойилига асосланганлиги туфайли бир даврнинг ўзида вужудга келадиган яхлит воқелик (ходиса)нинг икки ажралмас қирраси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз жараёнида “Мустақил таълим олиш” тушунчаси атрофлича ўрганилиб ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни ишлаб чиқдик. Бизнингча “мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш жараёнида бўлғуси

мутахасислардан ўз билимларини мустақил кенгайтириш малакаларини ривожлантириш, бунинг учун эса, турли ахборот манбалари билан ишлаш, маълумотларни тахлил қилиш, муайян хулосаларга келиш, ўз нуқтаи назарини шакллантириш каби муҳим сифатларни ҳам таркиб топтириш мумкин. Бунинг натижасида бўлғуси математикларда ижодий конструктив фаолият кўникмалари таркиб топади”

Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш натижасида талабаларнинг билимларни фаол ва онгли ўзлаштиришларини таъминлаш, шунингдек, уларни касбий фаолиятга кенг тайёрлаш, ҳаётий мақсадларининг аниқ ва тўғри шаклланишига эришиш мумкин.

XXI аср – интеллектуал салоҳият асри бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг математика фанидан билиш фаолиятини шакллантиришнинг ва узлуксиз ривожлантириб боришнинг мақсади, вазифалари шакллари, методларини илмий педагогик асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо этмоқда. Ушбу муоммонинг ечилиши талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш, уларда математик билимни эгаллаш фаоллиги, мустақил билим эгаллаш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ.

Талабалар томонидан амалга ошириладиган математика фанидан мустақил иш фаолияти жараёнини тадқиқ қилиш бўйича турли қараш ва илмий ёндашишлар мавжуд бўлиб, уларнинг қарашлари турлича бўлиб, билиш фаолиятининг самарадорлигига алоқадор масалаларга кўпроқ аҳамият берилган.

Ҳозирги даврга келиб ахборотлар қўлами ортиб бориши орқали таълим мазмунини ўзгартириш, дидактик элементларни катталаштириш, ўзгартириш (Б.П.Эрдниев, П.М.Эрдниев) [123], ҳар бир фаннинг асосий ғоясини ажратиш Р.А.Мавлонов [103] назарий билимлар моҳиятини ошириш В.П.Давыдов [90], Ж.Икрамова [100], Д.Б.Элконин [122] йўналишларида амалга оширилган. Талабаларнинг математика фанидан ақлий фаолиятини мақсадга мувофиқ

тарзда шакллантириш механизмини ишлаб чиқиши (Б.Р.Адизов [82], Ю.К.Бабанский [84], У.Нишоналиев [43], О.Розиков [108], Р.Сафарова [114], Н.Ф.Талызина [115], Т.И.Шукина [119], Н.Ш.Шодиев [89], ва бошқалар) айрим тадқиқотчилар эса талабалар математика фанидан билиш фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг ўқув-билув вазифаларини тўла аниқлаш, математика фанига оид билимларни мустақил эгаллаши лозим бўлган таълим мазмунининг тузилиши ва таркиби кабилар билан боғлайдилар. (В.П.Беспалько [85], О.Розиков [108], Р.Сафаров [114], Э.Ғозиев [88]), мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий шаклларига боғлиқлиги ҳамда барча талабалар томонидан ўз мақсадига эришиш йўллари ва усулларини муҳокама қилиш учун қулай шароит яратишга ўзаро ишонч муҳитини ишлаб чиқишига урғу берилади Р.А.Мавлонов [103].

Математика фанидан мустақил таҳсил олишда билиш самарадорлигини талабаларнинг мотивларига боғлиқ эканлиги таъкидланди. Мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнида математик ўқув мотивларини шакллантириши масалалари очиб борилади. (Б.Р.Адизов [82], А.К.Маркова, М.Х.Махмудов [40], Э.Ғозиев [88], Г.И.Шукина [119]).

Олий таълим тизимида ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш талаблари олий даражада тайёргарликка эга бўлишлари керак. Бу – давр ва жамият талаби.

Мутахассислик тайёргарлиги жараёнида билим олиш билан бирга маҳсус малакаларни эгаллаши ҳамда ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтказиладиган математика фанидан дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил иш фаолияти катта аҳамиятга эга. Айниқса ҳозирги даврда бир томондан ахборот миқдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан маълумотлар билан ишлаш манбалари ҳам кўпайиб бормоқда.

Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан мустқил ишлар самарали бўлиши учун талабалар қўйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш шахснинг ўз интелектуал имкониятларининг кенгайтиришида мухим ўрин тутушини;
- ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш, улар дунёқарашини, ахборот технологиялари асосида математик тафаккур тушунчаларини кенгайтиришини англашлари даркор.

Мустақил таълим фаолиятини такомиллаштиришда талаба ахборотнинг асосий қисмини мустақил ўзлаштиради. Шунинг учун талабаларга мустақил иш фаолиятини тўғри режалаштиришда ва иш вақтини унумли ташкил қилишда ёрдам бериш зарур.

Ахборотлашган таълим мухитида талабаларда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришни нимадан бошлиш кераклигини, мақсад қандай қўйилишини, шунингдек, иш қанча давом қилиши ва уни қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчалар аниқ шакллантирилади. Муваффақиятга эришиш учун қуидагиларга эътибор қаратилади:

1. Талаба ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши учун фаолиятни пухта режалаштириши керак. Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича тақсимлайди.
2. Мустақил иш фаолиятини бажариш муддатини аниқ белгилаб олади. Мустақил иш фаолиятини бажариш учун вақтни семестр бўйича тақсимлаш керак бўлади.

Амалий фаолият натижалари тахлили шуни кўрсатадики, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бу – реферат хисобланади. Талаба реферат мазмунида ўрганилаётган бирор мавзу моҳиятини кенг ёритиши лозим.

Ахборотлашган таълим мухитида математика фанидан ёзилган рефератни мукаммал тайёрланиши учун ўқитувчи талабага муайян адабиётларни тавсия қилиши керак. Рефератни бирданига ёзиб бўлмайди. Матнни тайёрлаш учун аввал адабиётларни, интернетдан маълумотларни

кўриб чиқиб, режа тузиши ва ёза бошлаши керак бўлади. Бунинг натижасида талаба ўз фикри, ғоясини ифодалашни ўрганади.

Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан мустақил иш фаолияти мавзуси фақат дарслик доирасидагина эмас, балки қўшимча адабиётлар, газета-журнал мақолалари ва интернет маълумотларидан ҳам фойдаланиб, ёзиши мумкин. Агар бирор муаллифнинг фикри мавзуни ёритиши алоҳида аҳамиятга эга бўлса, шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олиниб, изоҳ берилади, рақамланади ва манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллифнинг исми-шарифи, асар номи, нашриёт, нашр қилинган йили ҳамда нечанчи саҳифада эканлиги ҳам кўрсатилади.

Кўтарилган математик масалалар бўйича матндан келиб чиқиб билдирилган хуласалар ишнинг қадр-қимматини оширади, талабанинг мавзуни чуқур билишидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради. Унда муайян мавзу ёритилиши билан бирга, тегишли илмий назариялар, хуласалар келтирилиши ва танқид қилиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ўрганилган барча адабиётлар кўрсатилади. Асарнинг газета, журнал мақолалари, монография, тўплам, муаллифнинг исми-шарифи тўлиқ ёзилади, мақола ва бошқалар тўлиқ келтирилади, нашриёт ва нашр йили ҳамда газета-журналнинг йили ва сони ҳам кўрсатилади.

Талабалар мустақил-тадқиқот ишларини ҳамкорликда кичик гурӯхларда ташкил қилиш яхши натижаларни беради. Мустақил-тадқиқот ишларини ташкил қилишдан мақсад-талабаларда таълимга нисбатан қизиқишни ошириш, билимларни муайян ҳаётий, касбий фаолиятда қўллаш малакаларини шакллантиришдан иборат. Талабалар математик муаммо бўйича ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб борадилар ва аниқ натижаларни қўлга киритадилар [28].

Ўрганилиши керак бўлган математик муоммолар талабалар учун долзарб, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши лозим.

1. Ҳар бир талабани фаол таълимий жараёнга жалб қилиш, ўзлаштирган билим ва қўникмаларни амалиётда қўллай олиш малакаларини шакллантиришига эришиш лозим. Энг муҳими, талаба эгаллаган математик билим ва малакаларини айнан қаерда ва қандай қўллаши мумкинлигини аниқ билиши керак.

2. Турли математик муоммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш жараёнида талабаларнинг ўзаро муроқот маданиятини шакллантиришга эътибор қаратиш керак.


3. Талабаларда муайян математик муаммони ҳар томонлама тадқиқ қилиш, ушбу масала хусусида илмий-амалий асосланган мустақил фикрга эга бўлиш мақсадида университет, республика ёки дунё миқёсидаги илмий, маданий ахборот марказлари имкониятларидан фойдалана олиш қўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш керак.

Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан мустақил-тадқиқот ишлари талабаларнинг билимларни эгаллашга бўлган қизиқишиларини ошириш ва академик билимлар негизида уларни амалий фаолиятга тайёрлашни кўзда тутади. Талабалар олдига у ёки бу илмий-назарий маълумотлар нима учун ўрганилмоқда, ушбу билимларни қачон, қандай вазиятларда қуллаш мумкин? каби саволлар кўндаланг қўйилади.

Ушбу саволларга жавобни улар реал, ҳаётий муоммоларни ечиш натижасида топишлари мумкин бўлади. Математик масалалар ечимини топишда улар олдин эгаллаган билимларига таянадилар ва албатта, билимларини янада кенгайтиришга зарурат сезадилар. Ўқитувчи ёрдамида талабалар фаолият йўналишларини белгилаб оладилар.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабалар математик муоммолар ечимини қидирадилар ва муайян натижаларни қўлга киритадилар. Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан тадқиқотлар қисқа муддатли (бир хафтадан бир ойгача) ва узоқ муддатли (бир ойдан бир неча ойгача) бўлиши мумкин. Талабалар мустақил иш фаолиятини қўйидаги босқичларда олиб борилади (1.2-расмга қаранг).

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг ўз иш натижаларини математик тадқиқот йўналишларидан келиб чиқиб лойиҳа шаклида тақдим қилишлари улар фаолияти самарасини янада оширадилар.



1.2-расм: Мустақил иш фаолиятини тақомиллаштириш босқичлари

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини тақомиллаштиришда математик тадқиқот услубидан фойдаланиш қатор ижтимоий вазифаларни назарда тутади:

1. Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияти ривожланади.
2. Талабаларда турли ахборот манбалар билан мустақил ишлаш кўникмаси шаклланади.
3. Тадқиқот ишларини мустақил режалаштириш кўникмалари таркиб топади.

4. Талабалар математик муаммо моҳиятини чуқур ва кенг қамровда англайдилар, уни ҳал қилишнинг турли йўналишларини ўйлаб кўрадилар, энг қулай ва мақсадга мувофиқ ечимни топишни ўрганадилар.

5. Талабаларда қўлга киритиш мумкин бўлган математик натижаларни олдиндан кўра билиши имкониятлари кенгаяди.

6. Талабаларда математика фанидан мулоқатчанлик, ҳамкорликда ишлаш, турли ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда ўзаро мослашувчанлик сифатлари шаклланади.

7. Талабаларга математик билимлар тайёр ҳолда тақдим қилинмасдан, балки уларни мустақил ўзлаштиришга эришадилар.

Жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаларидан келиб чиқиб мутахасис малака сифатларига таълим даргоҳида ўрганган билимларни амалий фаолиятда ижодий қўллай билиш ва ўз устида математика фанидан мустақил ишлаш орқали касбий маҳоратини янада юксалтириш каби жуда долзарб талаблар қўйилган. Талабаларнинг математика фанидан мустақил-тадқиқот ишларини мақсадли ташкил қилиш ва тўғри йўналтириш асосида мантиқий фикрловчи, ижодкор ва ташаббускор мутахасисларни тарбиялаш жараёнида самарали натижаларга эришиш мумкин.

1.2- § Талабаларининг ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш методикасининг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ва Ахборот-методик хизмати томонидан 2017-2018 ўкув йилидан бошлаб ўқитиши учун тасдиқланган “Математика” ўкув фан дастурида тушунтириш хати ва мустақил иш соатлари берилган бўлиб, бўлимларнинг мазмуни юқоридагидек тақорланган.

Олий таълим муассасаларига кириш тестларига математикага тегишли баъзи мавзулар бўйича тестлар киритиш юзасидан берилган таклифлар

натижасида 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб мазкур бўлимга оид баъзи мавзулар бўйича тестлар киритилди, холос.

Математика фанини ўқитишида масаланинг аҳамияти жуда катта бўлиб, талабаларда математикага бўлган қизиқиши орттириш, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш учун таълим жараёнида амалий ва ностандарт характердаги масалалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [49]. Кинематика ва динамика (жумладан, эркин тушиш, тезланиш билан ҳаракат, тўқнашишлар, гармоник тебранишлар [40]) функция, тригонометрия, ҳосила, интеграл мақбуллаштириш масалалари (жумладан, кучнинг максимуми, юзнинг минимуми) математик таҳлил ҳосила, интеграл аҳолининг ўсиши, радиоактив емирилиш, модданинг исиши ва совуши кўрсаткичли функция, иқтисодий математика (жумладан, банк иши, сугурта), кетма-кетликлар, савдо-сотиқ математикаси (жумладан, истеъмолчилар, товарлар) фикрларига кўра дифференциал тенгламалар ҳақида дастлабки тушунчага соат ажратилган. Ҳосила, интеграл ва дифференциал тенгламалар ёрдамида табиатдаги ва фанлардаги содда ҳодиса ва жараёнларнинг математик моделларини тузиш ва таҳлил қила олиш имкониятлари юзага келади [116].

Дарс жараёнларида кузатилган камчиликлардан бири, талабалар ўхшаш масалаларни бир хил усулдан фойдаланган ҳолда ечишади ёки математика фанини англамасдан туриб, формуулаларни шунчаки ёдлаган ҳолда (ёндафтардан фойдаланиб) тест топшириқларини бажаришади.

Талабаларнинг ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг мустақил ишларига алоҳида ўрин ажратилади. Мамлакатимизда бу борадаги тадқиқотларнинг алоҳида бўлимларида мустақил ишларнинг хилма-хил турлари кўрсатилган, Б.С.Абдуллаева [81], Р.А.Мавлонова [103], Х.Нажмитдинова [41], Д.Маматов [39], С.Турсуновларнинг [53] тадқиқот ишларида буни ёрқин кўриш мумкин .

Б.С.Абдуллаева тадқиқот ишларида академик лицей талабаларининг математик тафаккурини ривожлантириш масаласини ўрганган.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил иш фаолияти муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлган ишларда ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил иш фаолияти, мустақил иш ва мустақил ўқув фаолият муаммоларига ўзига хос йўналишлар асосида ёндошилган, мустақил иш топширикларини тузиш ва бу топширикларни бажартириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган [81].

О.А.Кўйсизовнинг монография сида мустақил иш фаолияти педагогик ва психологияк жиҳатдан касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда касбий тайёргарлик сифатини ошириш омили эканлигига асосланган; талабаларнинг ахборотлашган таълим муҳитида мустақил билим эгаллаш мазмуни ва уларнинг мустақил иш фаолияти шаклланган даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган; касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш модели яратилган; касб таълими жараёнида талабаларда мустақил билим эгаллаш маҳсус билимларини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари тажрибада синаб кўрилди; талабаларнинг мустақил билим эгаллашини ташкил этишга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқилди [34].

С.И.Кулмаматовнинг тадқиқот ишларида таълим муассасаларида ўқитиладиган «информатика ва ахборот технологиялари» фанидан талабаларнинг мустақил иш фаолиятига оид назарий, амалий топширикларнинг мазмуни, талабанинг ўзлаштира олишига ва билим даражиларини аниқлашга қаратилган дидактик материаллар, улардан фойдаланиш методикаси, компьютер дастурлари имкониятларини мустақил ўрганишга мўлжалланган топшириқлар, улардан фойдаланиш бўйича методик ишланмалар; талабанинг ўзлаштира олиши, ўз билим даражасини аниқлашга мўлжалланган компьютер дастури ва ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган [35].

М.И.Тошпулатова монография ишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик тайёргарлигини такомиллаштириш, бўлажак

бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тайёргарлигини такомиллаштиришда математик масаланинг ўрни ҳамда бошланғич синф математика дарсларида инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация ҳамда инновацион-педагогик технологияга асосланган ўқув-методик таъминоти, мультимедиали электрон таълим ресурслари яратилган [52].

Д.Н.Маматовнинг монография ишида электрон ахборот таълим мухитида педагогик лойиҳалаштириш асосида касбий таълим жараёнларининг замонавий ахборот-методик таъминотини амалга ошириш имкониятларини жорий этишга қаратилган дастурий таъминот ва очиқ таълим ресурслари ишлаб чиқилган [39].

Ҳ.Ё.Нажмиддинова монография ишида алгебрани укитища талабаларнинг мустакил укув фаолиятларини шакллантиришнинг хозирги замон педагогик ва ахборот технологиялари асосида, яратилган методика учун хизмат килувчи, укув материалларини аудитория машгулотлари ва мустакил укув фаолияти учун ажратиш буйича методик тавсиялар, боскичли мустакил иш топшириклари туплами, лаборатория ишланмалари туплами, боскичли назорат топшириклари туплами ҳамда тушунчаларга нисбатан гипер мурожаатли электрон кулланмаларни уз ичига оловчи укув-услубий таъминот, талабаларнинг фан материалларини аудитория машгулотлари ва мустакил укув фаолият оркали узлаштиришларини бир вактда, алохида алохида баҳолаш имконини берувчи параметрли баҳолаш мезони учун амалдаги “e-tester” дастурига бириктириш мумкин булган компьютер дастурий таъминоти ишлаб чиқилган [41].

А.В.Садыкованинг монография ишида эса математика фанида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологияси, математика ва ташқи синфлар талабаларининг мустақил ишини ташкил этиш шакллари ва мазмуни, математика фанида мустақил ишларни мониторинг қилиш ва баҳолаш методикаси, математика фанида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари қараб чиқилган [48].

Д.И.Юнусова илмий тадқиқотида эса қаралаётган шахсга нисбатан математик ижодкорликнинг даражалари қўйидагича келтиради [60].

1-даража-ўкув материалини тушунадиган, у материал юзасидан ўзининг аниқ тушунчалари ва қизиқишиларини шу йўналишга ёки бўлимга нисбатан ифодаловчи фаолиятга эга бўлган шахс тушунилади.

2-даража-ҳар бир ўкув материалига юқори кўрсаткичли интеллектуал сезиш орқали фаолият кўрсатилиши тушунилади. Бу даражада тўгаракларда шуғулланувчилар ёки алоҳида маҳсус тайёргарлик кўрувчи талабалар шахсига мансуб.

3-даража-ҳар бир ўкув материалига алоҳида ўзининг оригинал мутахассислик даражасида ёндашиш метод ва кўринишларига эга бўлган фаолият билан ёндашувчи талабалар тушунилади.

4-даража-талабаларнинг математик обьектлар устида олиб борилган изланишлари туфайли бошланғич натижаларга эришишлари тушунилади.

5-даража-талабаларнинг ўз кучи ва фаолиятига ишонган ҳолда моҳирлик ва қатъийлик билан илк бор эришган натижаларига кўра белгиланади.

6-даражадай даражадаги талабаларнинг қобилияти ривожини бутун синф, академик лицей, шахар ёки Республика миқёсида тан олади [60].

М.У.Қўчқаров тадқиқот ишларида “Олий математика” фанини ўқитиша “талаба мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш босқичлари (тайёрлов, асосий, креатив) акмеологик мотивация интенсивлиги ва барқарорлигини таъминлаш орқали дарс машғулотлари бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро ташриф (peer review) тизимини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган; “Олий математика” фанини касбга йўналтириб ўқитиши жараёнлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг мустақил билим эгаллаш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган “тыюторлик” ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали такомиллаштирган [36]. “Олий математика” фанидан талабаларнинг мустақил иш фаолиятини самарали ташкил қилишга доир ўкув

машғулотларини лойиҳалаштиришнинг таркибий асослари (моделлаштириш, башоратлаш, конструкциялаш) масофавий таълим хизматлари, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини тизимли кўллаш асосида аниқлаштирган; “Олий математика” фанидан талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш методикаси индивидуал таълим траекторияларига асосланган ҳамда талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган интерфаол таълим имкониятларини кенгайтиришга алоҳида этибор қаратган” [36].

Тадқиқот ишимиз М.У.Қўчқаровнинг тадқиқот [36] ишига мавзу жихатдан яқин бўлса-да, мазмунан, педагогик ёндашув жихатдан ҳамда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган методик воситаларни қўллаш борасида тубдан фарқ қиласди. М.У.Қўчқаровнинг тадқиқот ишида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш шаклларидан дарслик, ўкув-илмий адабиётлар, мақолалар, монографиялардан фойдаланиш хақида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, курс лойиҳа ва курс ишига тайёргарлик кўриш, амалий ва семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш, маъруза ва ўкув фанларидаги алоҳида бўлимларни мустақил ўзлаштириш хақида маълумотлар келтирилган [36].

Тадқиқот ишимизда биз мустақил иш фаолиятини ташкил этиш мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этиш воситаларидан бири сифатида электрон таълим ресурсидан фойдаланишнинг афзалликларини, “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўкув қўлланмамиздаги методик топшириқлар асосида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг янги усулларини келтириб ўтганмиз.

Х.Нажмиддинова “Олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустақил ўкув фаолиятларини шакллантириш методикаси” номли тадқиқот ишида олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустақил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг мавзу материаллари - мавзудаги “таянч”, “асосий” ва “хосилавий нукта”ларга нисбатан ёндошувга асосланган методикасини ишлаб чиқсан [41].

Шу билан бирга педагогик ва математик тадқиқотларда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилған вазифалар аниқланған, аммо улар таълим тизимида етарлича ёритилмаган, амалий күрсатмалар ишлаб чиқылмаган. Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар аниқланмаган.

Таълим йўналишларининг амалдаги ўкув режаларида айни бир фан учун белгиланған умумий ўкув соати икки қисмга: аудитория ва мустақил иш фаолияти соатига ажратилған. Аудитория соати ўкув режаларида аудитория машғулотлари (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория ишлари) учун тақсимланған ҳолда берилған. Мустақил иш фаолияти соати яхлит ҳолда берилған бўлиб, талабаларнинг мустақил ўкув фаолиятини қандай материаллар асосида йўлга қўйиш ҳар бир фаннинг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб бу фан ўқитувчиларининг укуви, билими тажрибаси ва педагогик маҳоратига ҳавола қилингани ҳолда мустақил иш фаолияти соатларини бажариш тавсифи ва кўрсатмалар бир қатор меъёрий хужжатларда берилди.

Мазкур лойиҳа доирасида олий таълим тизимида мустақил иш фаолияти талабаларнинг билим олишдан мақсадлари ва шу мақсадларга қандай эришишлари – мавжуд ўкув ресурслардан фойдаланған ҳолда амалдаги ўкув дастурлари доирасидаги материалларни қандай ўзлаштиришлари бўйича мустақил қарор қабул қилишларини назарда тутади. Ўқитувчилар талабаларни таълим олишдаги индивидул стратегияларни шакллантириш бўйича талабаларнинг интилишларини олқишлиш ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргалиқда ишлашни ёқтирадими, талаба вақтини кутубхонада ўтказадими, ёки унга Интернет тармоғидаги мавжуд электрон материаллардан фойдаланиш қулайроқми – мустақил иш фаолияти шароитида талаба ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулай-роқ ташкил этиш кераклигини ўзи яхши билиши керак. Талаба олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши кутилади. Талабаларнинг билим

манбай фақатгина ўқитувчи маъruzаларида бераётган мавзулар бўлиши керак эмас.

Талаба ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг изланишларни ўрганиш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим. Баъзан мустақил ҳолда ўқиши ва мустақил иш фаолияти тушунчалари адаштирилади.

Мустақил ҳолда ўқиши расмий ўкув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян ўкув юртига бормай туриб, уйда ўз материаллари асосида мустақил, индивидуал ҳолда ўқиши, таълим олиш мумкин. Бу қизиқ педагогик ҳодиса бўлсада, ушбу лойиҳада мустақил ҳолда ўқиши (ўкув юртига бормай туриб таълим олиш) ўрганилмайди. Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимиз келажаги учун мустақил фикрлайдиган, билимли ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида расмий олий таълим тизимида мустақил иш фаолияти унсурларини тадбиқ этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган педагогик чора-тадбирлар таҳлил қилинади.

Одатда талаба ўқитувчини билим ўчоғи ҳамда талабани қандай билим олишини яхши билгувчи инсон сифатида қабул қиласди. Ҳақиқатда эса ўқитувчи талабаларни олий ўкув юртида ўқиши давомидагина уларга жавобгар бўлади, лекин у ҳар доим ҳам унинг ёнида бўладими? Талаба ўкув даргоҳини тамомлайди ва бир ўзи ўз келажаги билан қолади. У меҳнат фаолиятини бошлайди, у ерда у ва фақат у олган билимларини кўрсатиб, амалиётга тадбиқ эта олиши керак бўлади. Давлатимиздаги замонавий иқтисод қонуниятлари ўз шартларини илгари сурмоқда ва шунинг учун билимга фақат эгалик қилиш билан чегараланиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас бўлиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз устида доимий равишда ишлаш, ўз малакасини ошириб бориш даркор. Шунинг учун талаба ёшларнинг янги авлодини мустақил қарор қабул қила оладиган, билим олишига ўзи масъул бўла оладиган қилиб тарбиялаш эҳтиёжи сезил-моқда.

Мустақил фикрлайдиган талабаларни тарбиялаш давлатимиз таълим тизмининг асосий мақсадларидан биридир.

Анъанавий таълим билан талабанинг мустақиллигини шакллантиришга йўналтирилган таълим ўртасидаги фарқни қуидагича кўрсатиш мумкин.

1.1 жадвал

Анъанавий таълим билан талабанинг мустақиллигини шакллантиришга йўналтирилган таълим ўртасидаги фарқи

Анъанавий таълим	Мустақил иш фаолияти
Талабалар ўқитувчининг кўрсатмаларини сустлик билан бажарадилар.	Талабалар ўқиши жараёнида фаол иштирок этадилар.
Ўқитувчи талабалар нима ўрганиши зарурлиги борасида қарор қабул қиласди.	Талабалар ўзлари нима ўрганишлари борасида қарор қабул қиласди.
Талабалар ўқитувчига “қарам”, ўқиши жараёнида қандай ахборот манбаларидан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қила олмайдилар.	Талабалар тадқиқот кўникмаларини ривожлантирадилар, керакли адабиётларни мустақил танлайдилар ва маълумоларни қайта ишлайдилар.
Дарсдаги машқлар талабаларни хаётий масалаларни ечишга тайёрламайди.	Талабалар нафақат ўқиши учун, балки хаёт учун ҳам зарур бўлган амалий кўникмаларни шакллантирадилар.
Талабалар ўқишига хаққоний қизиқмайдилар.	Талабаларнинг дарсга қизиқиши ортади.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятининг устувор омилларидан бири талабанинг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни хис қилишидадир. У ўқитувчига қарам эмас, у нимани ва

қандай қилиб ўрганишни ҳал қила олади. Бундай талаба ўзининг камчиликларини билади ва улар устида ишлайди.

Бунда ўз таълимидан мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимдир.

Талабаларга дарс мобайнида, ҳам уй вазифалари, ҳам курс ишлари ва бошқа турдаги ишларни бажаришда кичик гурухларда ишлашга имконият яратиш лозим. Кичик гурухдаги ҳар бир талабанинг иштироки зарур бўлган топшириқлар тавсия этиш мумкин. Кичик гурухларда бажариладиган ишларнинг самараси қандайдир бир маҳсулот (тадқиқот, деворий газета, буклет ва б.) бўлиб, ҳар бир талаба уни тайёрлашда ўз хиссасини қўшиши керак бўлади. Кичик гурухларда бажариладиган оммавий топшириқлардан бири талабаларнинг ўтилган мавзулар бўйича такрорлаш тестлари тузишидир.

Олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда қўйидаги мустақил иш турларидан фойдаланиш мумкин:

такрорлаш ва масалалар ечиш. Такрорлаш ва машқ қилишда педагог дарс пайтида олган билимларини такрорлайди, таҳлил қилиб, умумлаштириб, фикрлаб кўради, эслаб қолади, амалий топшириқларни бажариш кўникмалари ва малакаларини шакллантиради.

янги билимларни мустақил ўзлаштириш. Бунда талаба ахборот манбаларини излаб топиш, улар устида ишлаш, конспектлаштириш, фикрларни изчил баён қилиш бўйича кўникмаларни эгаллайди, мустақил иш фаолияти усул ва услубларини ўрганади.

ижодий характердаги ишларни бажариш. Бунда талаба муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш, мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди, масалани ҳал қилишга ижодий ёндашишга ўрганади, кўргазмали воситалар тайёрлаш, илмий тавсифдаги изланишларни талаб қиласиган топшириқларни ҳал қилиш йўллари билан танишади.

Олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиладиган **ўқув воситаларини** қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин: ташкилий воситалар; ўқув технологиялари, ўқув-методик

материаллар; дидактик материаллар; ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари; техник ўқув воситалари.

Дидактик материаллар: етакчи файласуфлар, педагоглар ва психологлар томонидан ифодаланган, таърифланган ва шакллантирилган классик дидактик тамойиллар; модулли ўқув технологиясида долзарб бўлган маҳсус методологик тамойиллар; талабани ўқитишига ёки ўрганишига йўналтирилган илмий тамойиллар.

Ахборот, ахборот-коммуникация технологияларига қуидагиларни киритамиз: ахборот олиш билан боғлиқ бўлган барча воситалар; кўргазмали қўлланма, намойиш этилувчи ўқув материаллари; компьютер ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш; интернет.

Техник ўқув воситаларига қуидагилар киради: компьютерлар; бошқа техник воситалар (интерфаол ёзув тахталари; кўпайтирувчи техника ва бошк.).

Ахборот ва техник ўқув воситаларидан фойдаланиш қуидаги ривожланиб бораётган муаммоларни намоён қилди:

ўқув жараёнининг ахборотлашуви ва компьютерлаштирилишининг тобора кенгайиб бораётганлиги, унинг сифатини назорат қилиш шаклларининг ривожланиб бориши;

ўқув ва ўқитиши технологиясидаги ўзгаришлар;

компьютер ва телекоммуникация технологияларининг ўқув жараёнидаги ахборот таъминотига таъсири.


Таълим воситаларини Б.Раҳимов ва А.Мавляновлар [104] қуидагиларга ажратади:

ўқитувчи учун: фаннинг ўқув дастурлари, фаннинг ишчи ўқув режаси, ўқув-методик қўлланма, методик тавсия, методик ишланма, дарс машғулотининг технологик харитаси, дарс режаси, маъзуза матни сценарийси.

талаба учун: дарслик, ўқув қўлланма, жадваллар, тарқатма материаллар, йўл-йўриқли технологик хариталар, типик хатолар харитаси, топшириқ варақаси, интерфаол усуллар [104].

Шундай қилиб, олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсадини белгилаб олиш, шунга биноан мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини кафолатловчи замонавий усул ва услублари ҳамда шакл ва воситаларини белгилаб олиш мустақил иш фаолияти ни тўғри ташкил этишга асос бўлади.

Тадқиқот ишларидан келиб чиқиб мустақил иш шакллари қуидагича таърифланди (1.3-расмга қаранг).



1.3-расм. Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш

фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил иш шакллари

Олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш сифати математика фани ўкув-меъёрий хужжатлари ва моддий-техник базаси янгилигига узвий боғлиқ, бу эса талаба ва ўқитувчи бир хил таълим воситасилари билан таъминланган бўлишини тақозо этади. Танланган усул, шакл ва воситалар бир-бирига мос бўлиши ва дарс машғулоти мазмуни ёритиш учун улар бир-бирини тўлдирган ҳол хизмат қилиши керак.

Олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга оид тадқиқотларни ўрганиш ва энг муқобилини яратиш мақсадида мустақил иш фаолиятини бажариш схемасини ишлаб чиқдик (1.4-расмга қаранг).



1.4.-расм. “Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини бажариш” ва фактларнинг мантиқий исботлаш тизими

Таълим воситалари ўз хусусиятларига кўра босма, техник ва реал турларига ажратилади, булар, ўз навбатида, олти турга бўлинади. Маълумот

олиш ва уларни қайта ишлаш учун – матнли (ўқув дастур, махсус дарслик, маъруза матн, тарқатма материал ҳамда назорат варақалари); талабаларда фазовий фикрлашни ривожлантиришда – тасвирли (фотосурат, чизма схема, жадвал, плакат ҳамда тасвирлар); ҳодисалар юзасидан кўргазмали ёки овозли талаффузлар натижасида талабаларнинг фикрлашларини ривожлантиришда – аудиовизуал (виdeoфильм, компакт-диск, аудио кассета, PowerPoint материаллари, электрон дарсликлар); тасвир ва матнни ёзиш, саклаш учун – ёрдамчи (доска, пинборд доскаси, видеопроектор экрани билан, компьютер, флипчарт, видеомагнитофон, телевизорлар); ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун – модель (модель, макет, тренажёр, муляжлар); ўрганилаётган объектлар ҳақида ҳақиқий тасаввурни вужудга келтириш учун асбоб-ускуна, станок, яrim тайёр ва тайёр маҳсулотлар ҳамда хомашёлардан фойдаланиш мумкин. Назарий дарсларда таълим берувчилар асосан матнли ва ёрдамчи воситалардан, амалий дарсларда эса кўпроқ тасвирли ва реал воситалардан фойдаланади [39].

Хорижий давлатларда талабалар ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш муаммосининг умумий дидактик тамонлари Ю.К.Бабанскнинг [84] “Оптимизация учебно-воспитательного процесса”, мустаққил таълимни ривожлантиришнинг психологик нуқтайи назарларида В.С.Рубинштейн [109] (Основы общей психологии), Д.Б.Эльконин [122] (Психология развития), С.Д.Смирнов [120] (Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности) ва бошқалар илмий ишларида очиб берилди.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш учун нафақат математикага қизиқиши, балки ушбу фан турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолияти шахснинг ўзи тамонидан бошқарилишини эътиборга олган ҳолда, бу фаолият билан инсон

эркин ва истаган вақтда мавзуларни ўзи танлаб, мақсад, восита, мазмун нуқтаи назаридан фойдаланиши мумкин.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган таълим технологиясига кўра лойиҳалаштиришда таълим субекларининг координацион, ўкув ва амалий фаоллигига эътибор қаратилади (1.5-расмга қаранг).

Вектор

Уч $\vec{e}_1(1;0;0)$, $\vec{e}_2(1;1;0)$, $\vec{e}_3(1;1;1)$ нокомпланар векторлар берилган. $\vec{a} = -2\vec{i} - \vec{k}$ векторнинг $(\vec{e}_1, \vec{e}_2, \vec{e}_3)$ базисидаги координаталарини топинг ва \vec{a} ни ушбу базис бўйича ёзинг.

Ўқитувчи-
нинг
фаолияти
(кординатор
-лик,
йўналтирув-
чилик,
хамкорлик,
маслаҳатчи-
лик)

Топшириқ шарти: Уч $\vec{e}_1(1;0;0)$, $\vec{e}_2(1;1;0)$, $\vec{e}_3(1;1;1)$ нокомпланар векторлар берилган. $\vec{a} = -2\vec{i} - \vec{k}$ векторнинг $(\vec{e}_1, \vec{e}_2, \vec{e}_3)$ базисидаги координаталарини топинг ва \vec{a} ни ушбу базис бўйича ёзинг.

Таянч тушунча: нокомпланар, вектор, базис.


Таянч тушунча хulosаси: Иҳтиёрий векторни базис бўйича ёзиш мумкин бўлганлигидан:

$$\vec{a} = x_1 \vec{e}_1 + x_2 \vec{e}_2 + x_3 \vec{e}_3;$$

Агар $\vec{e}_1, \vec{e}_2, \vec{e}_3$ лар ўзаро перпендикуляр бирлик векторлар бўлса, $(\vec{e}_1, \vec{e}_2, \vec{e}_3)$ базис тўғри бурчакли базис деб аталиб, у

холда улар учун $\vec{e}_1 = \vec{i}$, $\vec{e}_2 = \vec{j}$, $\vec{e}_3 = \vec{k}$ белгиланишлар қўлланилади:

$$\vec{a} = x_1 \vec{i} + x_2 \vec{j} + x_3 \vec{k}. \quad (1)$$



Ечиш :

$$-2\vec{i} - \vec{k} = x_1 \cdot (1; 0; 0) + x_2 \cdot (0; 1; 0) + x_3 \cdot (0; 0; 1);$$

$$(x_1; 0; 0) + (0; x_2; 0) + (0; 0; x_3) = (-2; 0; -1);$$

бундан:

$$x_1 + x_2 + x_3 = -2 \quad x_2 + x_3 = 0 \quad x_3 = -1$$

$$\begin{cases} x_1 + x_2 + x_3 = -2, \\ x_2 + x_3 = 0, \\ x_3 = -1. \end{cases} \quad \begin{cases} x_3 = -1, \\ x_2 = 1, \\ x_1 = -2 \end{cases}$$

$$\text{Демак, } \vec{a} = -2\vec{e}_1 + \vec{e}_2 - \vec{e}_3.$$

$$\text{Мисол хulosаси: } \vec{a} = -2\vec{e}_1 + \vec{e}_2 - \vec{e}_3.$$

Математик топширик исботланди

1.5.-расм. “Мустақил иш фаолияти” ва фактларнинг мантиқий исботлаш тизими

Олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг юқоридаги тизими асосида ўқитувчилар томонидан мустақил иш фаолияти ташкил қилинади ва унда моделнинг ҳар бир компонентига алоҳида эътибор қаратилади.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда Д.Маматов [39], С.Турсунов [53], Б.Зиёмуҳамедов [98], М.Тожиевлар [56] томонидан ишлаб чиқилган тизим асос қилиб олинди ва такомиллаштирилди.

Педагог олим Г.И.Шукина билиш мустақиллигига били шва янги амалий вазифаларни белгилаш, уни ҳал қилиш усулини топиш қобилиятлари билан ажралиб турадиган аслида мустақил тафаккур сифатида характерланадиган ўрганишни мотивизациялаш ҳамда ундан фойдаланиш бирлигини таъкидлайди [119].

Бу таърифга фаолият хусусиятлари: фаоллик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик ҳақида сўз юритилган. Лекин мустақил иш фаолиятининг бир жихати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш саволлари, ўқув жараёнида уни фоаллаштирадиган шакл ва методларини излашга қаратилган тадқиқотчилардан А.Е.Абылқасымова [12] (Позновательная самостоятельность в учебной деятельности студента), Л.В.Жарова [30] (Организация самостоятельной учебно позновательной деятельности учащихся), С.А. Маврин [37] (Организация самостоятельной работы будущих учителей при изучении педагогики с использованием образовательных ресурсов сети Интернет) ва бошқалар илмий ишларида очиб берилган.

Мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга В.А.Далингер [91] (Самостоятельная деятельность учащихся и ее активизация при обучении математике), В.И. Ермолаева [94] (Организация самостоятельной работы студентов), Т.С.Жданова [96] (Формирование позновательной

самостоятельности студентов в процессе обучения математике с использованием кейс-технологий) ва бошқалар монография ишларида очиб берилган.

1.3-§. «Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш фаолияти методикасини такомиллаштириш” технологиясининг ташкилий тузилмаси


Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш пайтида уларни кўпроқ ўқишига ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил иш фаолияти учун йўлланма бериш, олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ахборотлашган таълим мухитида талаба мустақил равишда шугулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чукур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий эгаллаши лозим бўлган малакалари мустақил иш фаолияти жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Тадқиқотимиз жараёнида олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мавжуд холати, самарадорлигини ошириш йуллари, технологиялардан фойдаланиш имкониятлари, республика ва хориж олимларининг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ҳамда қуйидагиларга аҳамият бериш кераклиги таъкидланди: математикадан мустақил иш фаолиятининг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиш; талабаларнинг эгаллаши лозим бўлган малакаларни мустақил эгаллаганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, мониторингини олиб бориш ҳамда билим ва касбий маҳоратларини эгаллаш сифатини баҳолаш учун оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест топширикларини ишлаб чиқиш; турли шаклдаги тест топширикларини тузишда яратилган инвариант тестлар

технологиясидан, муаммоли ўқитиш шакларидан, интерактив методлардан фойдаланиш ва амалиётга жорий этиш. Мустақил иш фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитларни яратиш (замонавий ўқув жихозлари, техника воситалари, ўқув дастури, дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар); математика фани ўқитувчиларининг педагогик билими ва маҳоратларини ошириб бориш, педагогик технологиялар назариясига оид маълумотлар бериш, маҳсус билимларини ривожлантириш, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга янгича технологик ёндашувни қарор топтириш; математикадан мустақил иш фаолиятининг метод, шакл ва воситаларини қўллаш; машғулотларни ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриш вазифаларини амалга ошириш белгиланди. Назария ва амалиёт ўртасида боғликларни аниқлашда, амалий машғулотлар муҳимлиги, бу талабалардан амалий кўникма, малакаларни талаб қилиши ҳамда қуидаги мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда машқлар орқали амалга оширилиши таъкидланди: олдинги дарснинг маълумотлари билан боғлик муаммоларни ҳал қилиш; намунавий масалалардан фарқли масалаларни ечиш; бошқа фанлардаги маълумотлар билан боғлик масалаларни излаб, ечим топиш; теорема, қоидаларни қўллаб, мустақил масалалар ва ифодаларни тузиш; бошқалардан фарқли ходисаларни тушунтириш, бир неча ходисаларни солишириш орқали, фарқни ва ўхшаш томонларини асослаб бериш; хатоларни тузатиш, бартараф этиш устида ишлаш; материал, чизма, жадвалларни тайёрлаш; дарсларда реферат, маъruzаларни ёзиш.

Математикадан мустақил иш фаолиятидаги номутаносибликни ҳал этишда билимларни мустаҳкамлаш, хар қандай таълимотни ижодий характердаги фаолият деб тушуниш, талабалар касбий билимларни эгаллаш, амалий аҳамиятга молик тажрибаларни ўрганиш кераклиги алоҳида таъкидланди ҳамда математикадан мустақил иш фаолиятини ривожлантириш тузилмаси ишлаб чикилди (1.6-расмга қаранг).



1.6-расм. Ахборотлашган таълим мухитида мустакил иш фаолиятини такомиллаштириш тузилмаси

Расмдан ахборотлашган таълим мухитида мустакил иш фаолиятини такомиллаштиришда амалий технологиялардан фойдаланиш, бу соҳадаги номутаносиблигни ўкув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим технологияларининг дидактик имкониятларини хисобга олиш кераклиги кўзга ташланади. Тадқиқот ишида математикадан талабаларнинг билимларни мустакил эгаллаш, иш фаолияти усулларини аниқлаш ва қўллаш, муаммони аниқлаш, масалани ҳал қилишнинг йўлларини топиш, билимларни умумлаштириш, тахлил қилиш, натижаларни қайд этиш; математикани ўрганишда бошқа фанлар билан ҳамда назария ва амалиёт ўртасида алоқасини амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди. Бу талабаларнинг ўқув-билиш ва ижодий фаолиятини жонлантиради, лаборатория ва амалий машғулотларда ўқув-тадқиқот, амалий фаолиятга узлуксиз ва босқичмабосқич жалб қилинишига имкон яратади. Математика таълимидағи узвийлик, назарий ўқув материалларига, лаборатория ва намойиш тажрибаларига боғлик. Бугунги кунда математикадан ўқув материалларининг мазмуни, таълим бериш методикаси ва усуллари ўзгарди, лекин мустакил иш фаолияти машғулотларини ўtkазиш шакллари ўзгаришсиз қолмоқда. Бу масалаларни ҳал этишда, математикадан мустакил иш фаолиятини такомиллаштириш

асосларини ишлаб чиқиш, мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантириш, усул ва воситаларидан фойдаланиш ва ўқув технологияларини қўллаш ҳакидаги масалаларни кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Математикадан мустақил иш фаолияти самарадорилигига эришишда мустақил иш фаолиятининг узвийлиги; илмий-амалий асосга эга эканлиги; тизимли, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ ташкил этилиши; ягона мақсадга йуналтирилганлиги; уни ташкил этишга янгича ёндашув ҳамда талабанинг ёшга хос ҳусусиятларини инобатга олиш тамойилларига амал қилиш муҳимлиги эътиборга олинди. Мустақил иш фаолияти мақсадларини аниқлаштиришнинг аҳамияти тадқиқот ишида алоҳида таъкидланди. Бунда талаба мавзуни мустақил равишда ўқиб, ўрганганидан кейин мавжуд маълумот ва хulosаларни бир-биридан фарқдайди; далил ва таҳминларни билади; сабаб, ҳатоликларни аниқлайди; ходиса моҳиятига боғлик бўлмаган фикрларни ажратади; асосланган ва асосланмай берилган баҳолар чеграсини аниқлайди. Ўқув бирликлари сонининг ҳар бир машғулотда 6-7 та бўлиши кераклиги, акс холда ортиқча ахборотларни талabalар хотирада сақлаб қола олмасликлари таъкидланди.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш мазмунини белгилашда: олий таълимдаги йуналишларини эътиборга олиш, мазмунига математика фанининг асосларини сингдириш, талabalarda мустақил эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш малакаларини шакллантириш, фаолликларини ривожлантириш, дарсликларни кўпайтириш, математика фани ўқитувчиларининг педагогик билими ҳамда маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан мустақил иш фаолияти олий таълим муассасасида ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у қуйидаги соҳаларда бажарилади:

1. Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан маъруза мавзуси ва материали бўйича мустақил иш фаолияти: маърузада баён

қилинган асосий тушунчалар, мұхим математик масалаларни идрок етиш ва англаң олиш учун маъruzадан кейин ўз ёзувлари (конспекти) ни тартибга келтириш, тавсия етилған ўқув адабиётлари, электрон адабиётлари биринчи манбаларни ўрганиш билан ўз ёзувларига тузатишлар киритиш ва түлдириш, ўқылған манбалардан қўшимча матнлар олиш.

2. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан амалий машғулотларга, семинар ва лаборатория ишларига тайёргарлик соҳасида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш: ахборотларни тартибга келтириш, саволлар тузиш, жавоблар ҳозирлаш, ўқув машғулоти лойиҳаларини тузиш, савол - жавобларга, мұхокамада қатнашишга, амалий ишларни бажаришга тайёрланиш.

3. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан рефератлар, маъruzалар, курс ишларини ёзиш бўйича ўқув - билув топшириқларини бажариш бўйича мустақил иш фаолияти.

4. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан назорат ишлари (жорий, оралиқ, якуний назорат ишлари) соҳасида ўқув - билув топшириқларини бажаришга доир мустақил иш фаолияти.

5. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан малакавий амалиётлар билан боғлиқ ўқув - билув топшириқларини мустақил бажариш: педагогик амалиёт, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ ўқув-билув топшириқлари шулар жумласига киради.

6. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан маҳсус курс ва маҳсус семинарларни ўрганиш билан боғлиқ мустақил иш фаолияти: маъруза мавзусига доир адабиётларни ўқиб, ўрганиб, бирор масала бўйича матн тайёрлаш, маъруза ўқишига ҳозирланиш кабилар.

7. Ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан малакавий битириув ишлари, магистрлик монография сини тайёрлаш соҳасида мустақил иш фаолияти [29].

Олий таълимда ахборотлашган таълим мұхитида математика фанидан мустақил фаолиятининг шакллари, методлари хилма хил бўлиб, фанни

(соҳани) мустақил ўрганишнинг негизи ҳисобланади: илмий адабиётларни аннотация қилиш, бирламчи манбалар бўйича конспект тузиш, реферат ва маъруза ёзиш, курс иши ва битириув малакавий ишларини бажариш, аудиториядан ташқари пайтда тажриба ўтказиш ҳамда олинган миқдорий натижаларни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан таҳлил қилиш ва бошқалар.

Энди уларнинг ҳар бирини мақсадга мувофиқ амалга ошириш йўл йўриқлари юзасидан фикр мулоҳаза юритилади [29].

1. Илмий адабиётлардан аннотация қилиш муаллиф томонидан ўрганилиб чиқилаётган у ёки бу илмий изланишдаги асосий муаммоларни санаб, таъкидлаб чиқишдан иборат шахсни математик билиш фаолиятининг алоҳида бир шаклидир. Аннотация қилишда ўрганилаётган математик муаммога бевосита алоқадор бўлган масалаларни, уларнинг қирралари ва таркибларини алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

2. Илмий адабиётлардан конспект тузиш. Конспект атамасининг ўзи бирон бир мақола, китоб, монография, нутқ ва шу каби бошқа ижодий ишларнинг қисқача мазмунини баён қилиш деган маънони англатади. Одатда конспект тузиш бирон материални (маъruzani) эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш учун зарурдир, деган фикр мавжуддир, аммо мазкур ўрганилаётган материални чуқурроқ, уни бошқачароқ нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида конспект тузиш янада муҳимроқ услугбий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, равон, тўлик, аниқ бўлмоғи лозим, чунки у қайтадан фойдаланишга мўлжалланган шахс фаолиятининг маҳсулидир.

Конспект тузишнинг дастлабки босқичида муаллиф матндан четга чиқиш, муҳим бўлмаган белгиларни мавхум тарзда тасаввур этиши мураккаб кечади. Босқичма-босқич муаллиф фикрларини ўзлаштира бориши, уларни ўз сўзи, услуги билан ифодалаб бериш жараёнида ёзма нутқда талаб қилинадиган аниқликка, қисқаликга, аста секин эриша борилади. Бунинг учун конспектни варақнинг бир томонига ёзиб, иккинчи томонини бўш қолдириш маъқул.

Кўплаб тажрибаларнинг кўрсатишича, конспект тузаштганда ўрганилаётган манба камида икки марта ўқиб чиқилиши лозим, чунки иш билан биринчи марта танишилганда унинг тўғрисида умумий тасаввур юзага келади, иккинчи марта эса унинг асосий мазмунни намоён бўлади ва уни конспект қилишга киришилади.

Талабаларга конспект тузиш ҳақида маълумот берилаётган жараёнларда унинг асосий тузилмавий таркибларига эътибор қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилиши лозим: гипотеза, уни назарий ва экспериментал жиҳатдан текшириш, фактларни аниқлаш, эмперик ҳамда назарий умумлашмалар. Экспериментал методикалар, натижалар муҳокамаси, хулосалар ва бошқалар. Жумладан, гипотеза бу ходиса ёки бир-бирига алоқадор ходисалар ўртасида қандайдир қонуният, сабаблар мавжудлиги тўғрисида билдирилган тахминлар; гипотезани назарий жиҳатдан текшириш бу тахмин қилинаётган фикрни аллақачон исботланган ва илмий адабиётларда мавжуд қоидалар, принциплар билан таққослашдан иборат бўлиб, бунинг натижасида илгари сурилаётган гипотеза билан ўша принциплар ўртасида мантиқий қарама қаршилик йўқлиги аниқлаб олинади; тадқиқотчилар томонидан аниқлаб олинган ва ёзиб қўйилган воқеалар, ходисалар фактлар деб аталади; эмперик умумлашмалар бу субъект ходисаларининг фақат уларни ташки аломатлари асосида бирлаштиришдир; назарий умумлашма бу – объектларни уларнинг муҳим бир бирига ўхшашлик белгиларига қараб, яъни мазкур ходисанинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи томонларига қараб бирлаштирилишидир; эксперимент методикасига тадқиқот ўтказилувчилар учун топшириқ, тажриба ўтказиш шарт-шароитларининг баёни, синаувчиларнинг таркиби ва миқдори, уларнинг ўзаро боғлиқлиги киради.

Конспект тузишида ноаниқ терминларга изоҳ бериш, математик луғатлардан фойдаланиш, картотека тузиб чиқиш, библиографик тавсиф тайёрлаш (мақоланинг тавсифи, китобнинг мазмуни, кўп томли нашрнинг тавсифи кабилар) кераклидир.

3. Реферат ишлари тайёрлаш уч хил хусусиятга эга:

- 1) илмий ишга ёзилган танқидий тақриз;
- 2) мавзу бўйича тадқиқот ишининг аналитик обзори;
- 3) бахснинг танқидий таҳлили.
- 4) Ўқув тадқиқот ишлари:
 - а) талаба, ўқитувчи, талаба кабиларни турли вазиятда кузатиш;
 - б) тадқиқот ўтказиш учун экспериментал методикаларни эгаллаб олиш;
 - в) тадқиқот объектида юз берувчи психологик ҳолатлар, улар ўртасидаги индивидуал типологик фарқлар ҳамда ўртача кўрсатичларни ўрганиш;
 - г) ўзига хос психик хусусиятларнинг ифодаланиши ўртасидаги ўзаро корреляция алоқаларни аниқлаш кабилар;

Эксперимент ўтказиш юзасидан малакалар эгаллаш қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

- 1) математик изланишларни ўрганиш малакасини ҳосил қилиш фаолиятини уюштириш;
- 2) эксперимент методикаларини эгаллаш ва уларни турли вазиятларда кўллаш билан боғлиқ ишлар мажмуасини амалга ошириш;
- 3) олинган натижаларни статистик ишончлилик даражасини аниқлашга оид содда методларни эгаллаш, ўзлаштириш;
- 4) Эмперик материаллар ўртасидаги корреляцион алоқаларни ўрганиш, дисперсион ва фактор таҳлилларни ўтказиш ҳамда методикаларнинг валидлиги, репрезентативлигини белгилашга талабаларни ўргатиб бориш;

Бундан ташқари, талабалар ўтказилган эксперимент юзасидан илмий ҳисобот тайёрлашлари ва уни расмийлаштиришда ушбу талабларга риоя қилишлари зарур:

- а) ўтказилган тажриба ишларининг баённомалари ишга қўшиб қўйилиши лозим;
- б) эксперимент методиканинг баёнида иштирокчиларнинг ёш, жинс ва хусусиятлари, тажриба ўтказиш шартлари, принциплари ҳамда босқичлари кўрсатилиши шарт;

в) хulosалар, жадвал материаллари, уларнинг схематик ва график ифодаланишига асосланиб чиқилиши керак;

г) фаразлар, эҳтимоллар, кўрсаткичлар, мезонлар кабиларни текшириш, тавсия қилиш имконияти, яққол шахсий ҳulosалар баёни берилиши мақсадга мувофиқ.

5. Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан курс иши ва битирув малакавий ишлари.

Мутахассиснинг касбий тайёргарлик тизимида битирув ишлари ёзиш муҳим ҳисобланади.

Талабалар курс ишларини 4,6 семестрларда мактабда, ишлаб чиқаришда услубий амалиётни амалга ошираётган даврда бажарадилар. Илмий раҳбар ёрдами билан талаба мавзуни танлаб олгач, курс ишининг назарий қисмини етарли даражада пухта ишлаб чиқиш имкониятига эришадилар, амалиёт давомида эса улар тадқиқот объектлари билан яқиндан танишадилар. Улар билан тажриба ишлари ўтказишга муюссар бўладилар (кузатиш олиб борадилар, сухбат уюштирадилар, анкета тарқатадилар ва ҳоказо), бу даврда етарли даражада эмперик материалларни йиғиш имкони туғилади.

Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан курс ишини бажариш жараёнида талабалар илмий адабиётлар билан ишлаш уқувини такомиллаштирадилар, илмий тадқиқот фаолиятига тааллуқли баъзи бир кўникмаларни эгаллайдилар. курс иши ва битирув малакавий ишлари билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиш ўқитувчи билан талабанинг бутун ўқув йили, ҳатто бир неча ўқув йили давомида ҳамкорликда фаолият ташкил қилишни тақозо этади.

Курс иши ва битирув малакавий ишлари танланган математик мавзуга биноан тадқиқотлар назарий ва экспериментал хусусияга эга бўлиши мумкин, қайсики унинг назарий варианти мана бундай тарзда тузилади: мавзу танлаш, илмий адабиётларни танлаш, режа тузиш, мазмунини баён этиш, ҳulosаларни тавсифлаш ва бошқалар. Экспериментал вариант куйидаги таркиблардан таркиб топиши мумкин: мавзу танлаш, назарий

масалаларни умумлаштириш, тадқиқот методикасини ишлаб чиқиш, эмперик материалларни йиғиши, таҳлил қилиши, хулоса чиқариши ва ҳоказо. Одатда курс ва битирув ишлар мавзулари олдиндан талабалар хукмига ҳавола қилинади, сўнг уларнинг бошқа босқичлари навбати билан амалга оширилади. Мавзулар талаба қизиқишига, унинг ташаббусига қараб танланади, шунингдек, долзарблиқдан келиб чиқиб ҳам у ёки бу мавзу тавсия этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Курс иши ва битирув малакавий ишларининг математика фанига оид мавзуси назарий жихатдан ишлаб чиқилгандан кейин, тадқиқотнинг вазифалари белгиланади, унинг методикаси танланади ёки у қайтадан ишлаб чиқилади, модификацияси яратилади. Бунинг учун бир нечта илмий тадқиқот методлари, методикалари муайян тартибда қўлланишлари изоҳлаб ва асослаб берилади. Буларнинг барчаси ўқитувчи билан талабаларнинг ҳамкорликдаги ижодий изланиш фаолиятида босқичма босқич рўёбга чиқади. Тажриба ишлари тадқиқот принциплари, шартлари, қоидалари, босқичлари, мезонлари, эксперимент материаллари хусусияти, ёш давр қонуниятларига тўла асосланган ҳолда олиб борилади. Бу аснода четга оғиш, шароитни ўзгартириш, вазиятни чеклаштириш, синалувчиларга ёрдам бериш, муддатни чўзиш сингари ҳолатларга йўл қўйиш қатъий тақиқланади.

1.2.-жадвал

Талабаларни баҳолаш мезонлари ва ўлчовлари

Курс иши ва битирув малакавий ишлари бўйича ўқитувчи ва талаба ҳамкорликда таҳлил ўтказиш мезонлари ва ўлчовлари	
1	Материаллар билан умумий тарзда танишиш;
2	Материалларни тартибга келтириш;
3	Статистик методларни қўллаш;
4	Эмперик материалларни жадвалларга жойлаштириш;
5	Миқдорий таҳлил қилиш;
6	Уларни график, схематик тарзда намоён қилиш;

7	Психологик сифат таҳлилини ўтказиши;
8	Материалларни умумлаштириши;
9	Хулосаларни тавсифлаш;
10	Амалий тавсияларни ишлаб чиқиши ва бошқалар.

А.В.Садыкова монография ишида курс иши ва битирув малакавий ишлари бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинади, идрок этилади, сўнг уларнинг моҳияти баёни расмийлаштирилади. Аввал илмий раҳбар тажриба материаллари билан танишиб чиқади ва талаба билан ҳамкорликда таҳлил ўтказиши мезонлари, ўлчовлари белгилаб олади [48].

Бироқ назарий ва экспериментал вариандаги курс ҳамда битирув ишлари ўзига хослиги, математик хулосалари кўлами ва асосланганлик даражаси билан бир биридан кескин тафовутланиб туради. Талабаларнинг курс ҳамда битирув ишлари бир неча босқичли тақризлар, муҳокамалардан сўнг (оппонентлар, кафедра йиғилиши, экспертиза, ҳимоя қилиш маҳорати, расмийлаштириш сифатига, фикрига биноан) баҳоланади. Курс иши ва битирув малакавий ишлари баҳоси талабалар синов дафтарчасига қайд қилинади, давлат аттестацияси хайъати баённомасида акс эттирилади ҳамда имзолар билан тасдиқланади, факультет тамғаси билан муҳрланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олий таълим вазирлиги томонидан юборилган ўқув ва тадқиқотчилик бўйича мустақил иш фаолияти, шунингдек, ўқув режасида кўрсатилган, лекин талаба ташаббуси билан бажариладиган айрим илмий тадқиқотчилик учун ҳамда жамоатчилик ишлари учун қуидагилар:

- 1) педагогик психологик амалиёт ишларига 150 баллгача;
- 2) битирув иши тадқиқоти учун 200 баллгача;
- 3) курс ишлари тайёрлагани учун 50 баллгача;
- 4) ёзма синов ва назорат ишлари учун 50 баллгача;
- 5) талабанинг ўз ташаббуси билан бажариладиган мустақил илмий ишлари учун 75 баллгача;

жамоатчилик ишларидаги фаоллиги учун 50 баллгача шаклдаги меъёрларни қўллаш тавсия қилинган.

Математика фанидан курс ишларининг кўп босқичли рейтинг назорати ва баҳолар қайдномаси самарали методик технология сифатида ўзини оқлади.

Шундай қилиб, кенг кўламда олиб борган илмий услубий ишлар, ўтказган кўп босқичли таълимий тадбирларимиз талабаларнинг аудиториядан ташқари фаолиятларида илмий билимларни ўзлаштириш даражасини кескин равишда оширишга ёрдам беради, уларнинг математика фанидан фаоллик даражасини юксалтиради, муайян таълимий қўникмалар ва усуллар билан бўлғуси мутахассисларни қуроллантиради, касбий тайёргарлик кўрсаткичини такомиллаштириш сари етаклайди.

1.3.-жадвал

Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш технологияси	
1	Маъruzani тинглай олиш. Олий таълимда маъруза жараёнида талабалардан маърузачини диққат билан тинглаш, фикр юритиш ва эшитганларини ёзиб бориш (матнлаштириш) талаб етилади. Фикрни бир жойга тўплаб, диққатни маъruzachi баён қилаётган масалага сафарбар қилиш, фаоллик кўрсатиш билангина маъруза мазмунини тўғри тушуниш, билиш ва англаб ўзлаштириш мумкин.
2	Талаба ўқув - билув мақсадини аниқ тасаввур этиб, математика фанидан маърузага олдиндан тайёрланиб келса (олдинги маърузада баён қилинган математик масала - материални кўриб, дарсликдан янги мавзуни ўқиб келса), маъruzachi баёнига ўз фикрларини тўплаб, тўла сафарбарлик билан тинглай олади. Бунинг учун талабада маъruzani тинглашга кучли мотив мажуд бўлиши лозим.
3	Матн билан ишлаш. Талаба математика фанидан маъruzani тинглаш жараёнида асосий тушунчалар, муҳим ғояларни ўз дафтарига ёзиб

	бориши керак, бунда ҳам эшитиш, ҳам кўриш, ҳам ҳаракат хотираси ишлайди, фаолият асосида билим ўзлаштирилади.
4	Ҳар бир маъруза мазмуни (жараёни)да қуидагилар бўлади: маърузанинг асосини ташкил етадиган муҳим ғоя; муҳим ғояни асослаш, жузъий хulosалар; қисқа муддатли паузалар; таърифлар, тамойиллар, тушунчалар.
5	Математика фанидан маърузани матнлаштираётганида талаба асосий ғоя, муҳим математик масалалар, асосий тушунчалар, тамойиллар, таърифлар, хulosаларни ўз дафтарида қайд етиб, ёзиб бориши керак. Маъруза жараёнида профессор - ўқитувчи шу хил жойларни овозини ўзгартириш, нутқ темпини камайтириш билан ажратиб беради, этибор бериб тингланса, зарур жойларни ёзиб олиш имкони бўлади.
6	Ёзиб олиш пайтида маълум тартибга амал қилинса (маърузанинг муҳим масалалари; факт, далил, таъриф, хulosалар; савол - жавоблар, мулоҳазалар), тинглаш жараёнида асосий нарсаларни ажрата олиш малакаси ҳосил бўлади.
7	Матнлаштираётганда қуидагиларга риоя қилиш лозим: <ul style="list-style-type: none"> - ҳошия қолдириш; - ҳар бир масалани тартиб раками билан белгилаш ва сатр бошидан ёзиш; равshan ёзиш, остига чизиб, ажратиш; - шахсий шартли қисқартиришлардан фойдаланиш: к/к (қарама қаршилик), каби; - цитаталарнинг ҳошиясини кўпроқ қолдириш; - имлога, ҳуснихатга риоя қилиш, тартибли, тоза ёзиш; - ёзиб улгурмаганларига жой қолдириб кетиш; - ручкада ёзиш; - ёзувларни уйда ўқиб чиқиб, хатоларини тўғрилаш, тўлдириш, бу ишни иложи борича ўша куни ёки вақт кўп ўтмай қилиш; - ўзингиз қатнашмаган маърузани ўртоғингиз матнидан кўчириб,

	китоблардан ўқиб ўрганиш зарур.
8	Китоб, манбалар билан ишлаш. Юқори малакали мутахассис бўлиш, ўз билимларини мунтазам ошириб бориш учун талаба китоб билан, биринчи манбалар билан ишлаш малакасига ега бўлиши зарур. Китоб билан ишлай олиш малакаси назарий билимларни чуқурроқ егаллашнинг шартидир. Биринчи курс талабалари, одатда, зарур китобни танлаш, топишга қийналадилар, китобни мақсадга мувофиқ тарзда қунт билан ўқиши ўрнига айрим жойларинигина ўзгаришсиз қўчириб кўя қоладилар. Ваҳоланки талаба китобни қандай топиш ва ундан қандай фойдаланишни билмоғи лозим.
9	Ахборотлашган таълим мухитида талаба мустақил ўқиб ўрганиши зарур бўлган китобларни профессор-ўқитувчи маъруза, семинар пайтида тавсия қиласи ва керакли маслаҳатларни беради. Олий ўқув юрти талабаси ДЦ нинг ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий, ихтинослик ва бошқа фан блокларига доир китоблар, манбаларни ўрганиши зарур. У устозларининг маслаҳати ва кўрсатмаларига амал қилиши керак. Шу тариқа зарур китобларни танлаш ва мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш малакаларини эгаллаб олади.
10	Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш учун талаба библиография қандай бўлиши, қандай тузилишини билиб олиши лозим. Библиографияга доир ёзувларни алоҳида дафтарга, блокнотга ёки карточкаларга қайд етиб (ёзиб) бориш керак. Бунда қуйидаги тартибга амал қилинади: аввало, китоб ёки мақола муаллифининг фамилияси, исми - шарифи, китобнинг номи, жой номи, нашриёт номи, чиққан йили, ҳажми (неча бетлиги) кўрсатилади. Масалан: Комилов.Н., Тасаввуф ёки комил инсон ахлоки. Биринчи китоб, Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти 1996, 272 бет.

Илмий журнал ёки илмий тўпламда босилиб чиқарилган мақола бўлса, унда аввало муаллифининг фамилияси, исми - шарифи, сўнгра мақоланинг

номи, журнал (туплам)нинг номи, жойи, вақти (йили), сони, сўнгра бетлари кўрсатилади. Масалан: Қурбонов Ш ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Халқ таълими» журнали, Тошкент, 1998, 6 - сон, 4-18-бетлар).

Шу билан бирга талаба математика фани бўйича кутубхонадан ўзига керакли китобни қандай қидириб топишни ҳам билиши лозим. Ҳар бир кутубхонада мавжуд китоблар библиографияси (руйхати) шифрланиб, библиографик карточкалар шкафлардаги қутичаларга алфавит тартибида ҳамда мавзулар бўйича (тизимлаштирилиб) жойлаштирилган бўлади. Талаба ўзига керакли китобнинг номи ёзилган карточкадан китобнинг номи ва шифрини аниқлаб, китоб олишга буюртма бериши мумкин.

Дарслик, илмий асарлар ёки мақолаларни ўқиб ўрганиш тартиби қўйидагича бўлиши мумкин. Тавсия етилган китоб, рисола, дарсликнинг боби, параграфи (fasli) аввало бошдан охиригача бир марта ўқиб чиқилади, умумий тасаввур ҳосил қилинади: муаллифи, китобнинг, мақоланинг, боб ёки параграфнинг номи билиб олинади; китобнинг муқаддимаси, асарнинг бошида ёзилган ва шу асарнинг мазмунини ифодалайдиган цитата, аннотация, эпиграфи билан танишиш шу китобнинг муҳим ғояси ва йўналиши ҳақида тасаввур беради.

Сўнгра қўлда қалам (ручка) билан жиддий этибор бериб, асосий матн ўқиб ўрганилади, муҳим ўринлари ёзиб борилади. Китобни бобма-боб ёки параграфлар бўйича ўрганиш ва асосий ғояларни қисқа ёзиб бориш мақсадга мувофиқ.

Китоб ўқиши ижодий иш бўлиб, ўқиши жараёнида фикр юритиш, танқидий ёндашиш, мулоҳаза қилиш, луғатлар, энциклопедиялардан фойдаланиш лозим. Китоб матнида берилган таблица, расм, схема, график, кўргазмаларни синчиклаб ўрганиш, матн мазмунига солиштириб кўриш, зарур бўлса кўчириб олиш керак.

Ўқиб чиқилганларни ёзиб бориш режа, тезис, цитата, матн, каби шаклларда бўлади. Режа - ўқиб чиқилган мавзуга доир муҳим масалалар саволлардир, унда жавоб бўлмайди.

Математика фанидан тузиладиган режа содда ёки мураккаб бўлади. Агар ундаги ахборотлар яхши англаб ўзлаштирилган бўлса, оғзаки жавоб ёки мунозарада қатнашиш учун режа тузиш етарли бўлади.

Тезис - дарслик, рисола, мақоладаги асосий масалаларни қайд этиш бўлиб, нутқ сўзлаш пайтида у кенгайтирилади ва исбот қилинади. Тезис тузиш учун аввал ундаги ахборотларни билиб, тушуниб ўрганиб чиқиш ва ўз фикрини оғзаки ифодалай билиш малакаси зарур. Тезислар одатда тартиб рақами қўйиб тузилади.

Матнда дарслик боби, параграфи ёки асарнинг тўла мазмуни ўзлаштирилиб, қисқароқ шаклда ифодаланади. Матни хар бир талаба ўзи мустақил тузиши лозим. Маъруза матнида асосий тушунчалар, мавзунинг мухим масалалари кўрсатилади. Матнда асарнинг маъноси асосан туғри, ифодаси китобдагидан бошқача ибораларда берилади. Талаба китобдаги асосий ғояларни, ўз фикрларини мустақил ифодалай олиши лозим. Мустақиллик фандаги ғояларни англаб чуқур тушуниб олиш, тафаккур ва нутқ ёрдамида ўз фикр - мулоҳазаларини баён ета билишdir. Бу осон иш емас. Унга мутолаа қоидаларига амал қилиш, кўп ўқиш ва ўрганиш, мунозара, мухокама, семинарларда фаол қатнашиш йўли билан эришилади.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг муваффакияти талабанинг вақтдан тўғри фойдалана билишига, ақлий меҳнат маданиятини эгаллаш даражасига, кун тартиби қоидаларига амал қилишига ҳам боғлиқ.

Талабанинг вақт бюджетида аудиториядан ташқаридаги мустақил иш фаолияти учун хафтасига 18-24 соат вақт бўлиши мумкин. Талабанинг бир кунлик иш вақти 9-10 соат бўлиб, шундан 6 соати аудиторияда; 3-4 соати бошқа жойда мустақил иш фаолияти шаклида ташкил этилади.

Таълимнинг ягона ахборотлаиггириш муҳитини яратишни қўйидаги асосий тамойиллар асосида ташкил этиш назарда тутилади:

1. Олий таълим учун яратилган давлат таълим стандартлари талабларини бажариши.

2. Таълим олувчилар учун мавжуд барча таълимий ресурслар, ўқитувчилар, ўқув жараёнини таъминловчи воситалар ҳақидаги ахборотларнинг очиқлиги. Бунинг учун зарурий таълимий ахборот муҳитини ташкил этишда, уларда жойлашган барча ахборот ресурслари Республикадаги барча олий педагогика таълим муассасалари учун очик бўлишига эришиши.

3. Талабаларнинг индивидуал хусухиятларини ҳисобга олувчи таълим жараёни айрим босқичларининг ҳажми ва мазмунини танлаш ва унинг мослашувчанлиги, мазкур тамойилларни ўқув режаси ва дастурлари асосида амалга ошириш имкониятларининг мавжудлиги.

4. Ўқиш жойи, ўқитиши шакли, муддати ва технологиясини, жумладан компьютер технологиясини қўллаш асосида узоқдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги. Шунингдек, ўқитишида анъанавий технологияни ва замонавий ўқитиши технологиялари билан уйғунлаштириш шароитининг мавжудлиги.

5. Талабалар ўқув предметларини тизимлаш асосида, ўқитиши технологияларини методик жиҳатдан ишлаб чиқиш ва эришилган натижаларни таҳлилини ўтказишга тайёргарлигини таъминлаши.

6. Таълим жараёни қатнашчиларининг таълим муассасаси ёки уйда самарали мустақил ишлашларини ташкил этиш учун тегишли шароитларнинг яратилиши.

7. Компьютер тармоғидан фойдаланиш орқали талабалар билан индивидуал ва гурухли консультацияларни ташкил этиш мумкинлиги.

8. Компьютер тармоғига жойлаштириш учун шакллантирилган ва файллар кўринишида сақланадиган ўкув-методик мажмуалар орқали талабалар мустақил фаолиятларини амалга оширишлари учун асосий восита сифатида қўлланилишини назарда тутади.

Юқорида санаб ўтилган ва ягона ахборот муҳитини ташкил этишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга қаратилган техник, дастурий ва методик воситалар мазкур муҳитни таъминлаш, яъни ўқув-

методик мажмуани, таълимнинг ахборотлаштирилган ягона муҳитини яратиш соҳасида муҳим ҳисобланади.

Ахборотлаштирилган ягона муҳитини яратиш соҳасида ўқув - тарбия жараёнининг ахборот технологияларини моделлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Моделлаштириш шакли фойдаланиладиган моделлар ва уни қўллаш соҳаларига боғлиқ. Ахборот технологияларининг самарадорлигини ташкил этиш (лойиҳалаштириш) ва тадқиқ этишда моделлаштиришдан фойдаланиш туғрисидаги масалада "педагогик моделлаштириш" номини олган ижтимоий моделларни яратишга бўлган ўзига хос ёндашувлар тўғрисида гапириш мумкин.

Моделлаштиришнинг имконияти, яъни моделларни назарий яратиш ва тадқиқ этиш жараёнида олинган натижаларни асл моделга ўтказиш моделнинг муайян маънода унинг қандайдир жиҳатларини акс эттириши (ишлиб чиқиши) ҳамда соддаликни моделлаштиришда йўл қўйиладиган доираларни кўрсатиб берадиган тегишли назариялар ёки гипотезаларнинг мавжудлигини кўзда тутишига асосланган.

Моделлаштирилиши лозим бўлган обьект томонининг характеристига кўра, унинг тузилишини моделлаштириш ва унда кечадиган жараёнларни моделлаштиришга бўлинади. Ушбу фарқлар ахборот технологиясининг тузилмаси ва тузилмавий қисмларининг вазифаларини аниқ белгилаш учун тадқиқ этишнинг асосий тамойилларига тегишли бўлган педагогикада аниқ маъно касб этади.

Шу билан бирга ахборот технологиясида моделлаштиришнинг иккита нуқтаи назарга эгалигини ҳисобга олиш зарурдир: фойдаланувчилар ўзлаиггириши лозим бўлган мазмунни моделлаштириш, ҳамда тўлиқ ўзлаиггириш мумкин бўлмаган, педагогик жараённинг субъектлари ва обьектларининг ўзаро муносабатини моделлаштириш.

I-боб бўйича хуносалар

Монография нинг “Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган бобида олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мазмуни, педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб кўрсатилди ва методик жиҳатдан асосланди. Бунинг учун мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилиниб, олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг ютуқ ва камчиликлари ажратилди, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мулоҳазавий жиҳатлари тасниф қилинди.

Ушбу бобда олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг, педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган замонавий тадқиқотлари мавзу бўйича манбалар, таълимотлар ўрганилди ва қиёсий таҳлил қилинди. Мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш бўйича олий таълимда қабул қилинган меъёрий хужжатлар ва уларнинг мазмун моҳияти ўрганилди.

1. Мавзу бўйича хорижий давлатларда олий таълимда мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш муаммосининг умумий дидактик тамонлари кузатиш, манбалардан тўғри фойдалана олиш, мустақил изланиш қўникмаларини шаклантириш тизимли ва мақсадли таълим олишнинг ўзига хос хусусият ва жиҳатлари очиб берилди.

2. Ахборотлашган таълим мухитида талабаларнинг мустақил иш мазмуни очиб берилди ҳамда мустақил ишлашни фаол ташкил этишга, уларни олдига қўйилган дидактик мақсадларни бажаришга йўналтирилган ва маҳсус ажратилган вақт ташунчалари асослаб кўрсатилди. Билимларни қидириш, уларни англаб этиш, мустаҳкамлаш, маҳсус билимларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш билимларини умумлаштириш, тизимлаштириш жараёни тушунирилди.

3. Ахборотлашган таълим мухитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда билимларни мустаҳкамлаш, хар қандай таълимотни ижодий характердаги фаолият деб тушуниш, талабалар касбий билимларни

эгаллаш, амалий аҳамиятга молик тажрибаларни ўрганиш кераклиги алохидан таъкидланди ҳамда мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш тузилмаси ишлаб чикилди.

4. Тадқиқотимиз жараёнида олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мавжуд холати, самарадорлигини ошириш йуллари, амалий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари, республика ва хориж олимларининг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ҳамда қуидагиларга аҳамият бериш кераклиги таъкидланди: мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиш; талабаларнинг эгаллаши лозим бўлган малакаларни мустақил эгаллаганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, мониторингини олиб бориш ҳамда билим ва касбий маҳоратларини эгаллаш сифатини баҳолаш учун оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест топширикларини ишлаб чиқиш; турли шаклдаги тест топширикларини тузишда яратилган инвариант тестлар технологиясидан, муаммоли ўқитиш шаклларидан, интерактив методлардан фойдаланиш ва жорий этиш кўзда тутилди.

Шундай қилиб, олий таълим тизимида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсадини белгилаб олиш, шунга биноан мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини кафолатловчи замонавий усул ва услублари ҳамда шакл ва воситаларини белгилаб олиш мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга асос бўлади. Айниқса, мустақил иш фаолияти шаклининг турлари ва уларга берилган тавсифлар биринчи бобни тўлиқ ёритиш имконини берди.

**II БОБ. «АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”ТИЗИМИ**

**2.1- § Ахборотлашган таълим мухитида Мустақил иш фаолиятини
ривожлантириш мазмуни ва функциялари**

Замон талабларига жавоб берга оладиган, ҳар томонлама етук, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда мустақил иш фаолияти алоҳида ўрин тутади, чунки ахборот ва билимлар доираси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни фақат дарс машғулотларида бериб бўлмайди. Кўйилган муаммо ва вазифалар бўйича маълум ечимга келиш ҳамда унинг оптимал вариантини танлаш учун керак бўлган мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш, мустақил ижодий ишлаш жараёнида шаклланади ва мустаҳкамланиб боради.

Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлапггирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади ва ташкилий шаклларини танлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Замонавий таълимнинг мақсади - мутахассис модели талабларига мос равишда шакллантириладиган билим, қўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим стандартларида ўз ифодасига эга бўлади. Бундан ташқари Республикаизда Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра талаба шахси педагогик жараён обьектигина бўлиб қолмасдан, унинг субъектига ҳам айланиб бормоқда. Бундан келиб чиқсан ҳолда талаба мустақил таълимининг, ундаги қўйидаги қўникма ва малакаларни таркиб топтиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

1. Мустақил таълим олишни режалаштиришга оид қўникма ва малакалар:

- мустақил фаолият юритишнинг индивидуал режасини тузиш;
- режа асосида мақсадли фаолият юритиш;
- ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.

2. Илмий ва ўқув ахборотларида йўналиш олишга оид кўникма ва малакалари:

- илмий ва ўқув ахборотлари оқимига йўналиш топа билиш;
- янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;
- ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуқтаи назаридан ахборот манбаларини қидириб топиш;
- олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истиқболли янгиликларни кўра олиш.

3. Библиографик ишларга оид кўникма ва малакалар:

- библиографик қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равища фойдаланиш;
- илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини илмий библиография қоидалари асосида юрита олиш.

4. Маъruzalarни тўфи ва рационал эшитиш ва ўзлапгиришга оид кўникма ва малакалар:

- маъruzalar мавзуси ва режгсини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш;
- баён қилинадиган ахборотларни тўфи қабул қилиш;
- асосий муаммо, ғоя ва хulosalarни ажратса олиш;
- асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш;
- тўпланган ёзувларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.

5. Китоб билан ишлашга оид кўникма ва малакалари:

- китоб билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмuni, хulosasi, иллюсфациялари ҳамда аннотацияларини билиш;
- китоб мантиқий тузилмасини ажратиб олиш;
- ўрганилаётган матнни тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар: луғат, энциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш;
- ўқиб чиққан маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш;

- конспектда бошқа манбалардан олинган қўшимча материаллардан қайд этиб бориш.

6. ИНТЕРНЕТ ресурсларидан фойдалана олиш билан боғлик бўлган қўникума ва малакалар:

- ИНТЕРНЕТдан зарур манбаларни топа олиш;
- топилган ахборотларни қайта ишлай олиш.

Олий ўқув юртида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бу унинг янада муваффақиятли амалга оширилишига ҳисса қўшадиган йўллардир. Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини ташкил қилиш усуллари билан

ушбу жараёнларни такомиллаштиришга ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини оширишга ёрдам берадиган фаолият соҳалари тушунилиши керак.

Ушбу усуллардан бири мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ва режалаштиришdir. Талабаларнинг гурух жамоаси орасидаги онгли фаолиятларини ташкил қилиш орқали биз талабаларга ўзларининг келгусидаги ишларининг мақсадларини очиб бердик, уларнинг билимга асосланган фаолиятининг асосий босқичларини чақирдик ва тушунтиридик, бу билим тизимини олиш зарурлигини гапириб бердик ва келгуси фаолият учун унинг аҳамиятини тушунтиридик. Экспериментал иш жараёнида биз мавзунинг моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчалар ва нақшларни тушунтиридик, шунингдек, мустақил иш фаолиятига этилган адабиёт ва ўқув материаллари тўғрисида сўзлаб бердик. Бундан ташқари, семестр бошида талабалар дарс жадвалига, технологик харитага ва семестр учун мустақил иш фаолиятининг мазмунига эга бўлишди. Буларнинг барчаси мустақил иш фаолиятини ташкил қилишда бизга ёрдам берди.

Тадқиқот давомида биз талабаларнинг билимларнинг мустақилликка эришишдаги энг муҳим усулларидан фойдаланган ҳолда, мустақил фаолиятдан паст даражага қадар юқори даражага олиб борувчи изчил равишда ортиб бораётган қийинчиликларни қўлладик. Математикани ўрганишнинг ноодатийлигидан келиб чиқиб, талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш даражалари қўйидаги мезонларга асосланади:

- таълим вазифаларини тизимили равишда мураккаблаштириш;
- таълим вазифаларини умумлаштириш;
- ўқитувчининг фаолияти ва уларни амалга оширишни ташкил этишда талабалар услубиятидаги ўзгаришлар.

Таълим вазифаларини мунтазам равишда мураккаблаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) дастлабки босқичда, билимлар асослари билан боғлиқ тушунчалар, қонунлар ва уларнинг ўртасидаги мантиқий алоқаларни ўзлаштириш, масалалар, вазифалар таклиф этилади;
- 2) ўрганилган мавзулар доирасида турли фикрларни солиштиришга қаратилган топшириқлар берилади;
- 3) ўрганилган мавзунинг илмий уфқларини тушунишга, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича ўз нуқтаи назарларини ривожлантиришга ёрдам берадиган вазифалар.

Талабаларнинг ўқув фаолиятини кенгайтириш мақсадида таълим вазифаларини умумлаштириш кенгайтирилмоқда:

- 1) биринчи навбатда, ўқитувчи топшириқларни бажариш жараёнини кузатиб борган ва у ўзи талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларини муҳокама қилган;
- 2) кейинчалик баъзи талабалар таълим фаолияти натижаларини муҳокама қилишда иштирок этишди, лекин ўқитувчи ўзи якуний хulosалар берди;
- 3) ниҳоят, талабалар ўз вазифаларини бажаришади ва ўқитувчига фақат қийинчиликлар юзага келганда мурожаат қилишади.

Ўқитувчи вазифалари ва ўқув вазифаларини бажаришда талабаларнинг усулларини ўзгартириш аввалги ишлаб чиқилган таълим фаолиятини янги ҳолатларга ўтказишидир. Бундай трансфер турли мавзуларни ўрганишда таълим фаолияти ўхшашлиги ва мураккаб мавзулар ва бўлимларни ўрганиш бошида берилган умумий нуқтаи назар туфайли мумкин. Ушбу янги материалда тутатилган шаклда кўрсатилмайди.

Моделдаги мустақил иш фаолиятини бажараётиб, талабалар репродукцион фаолият доирасида, қобилият ва қобилияларни ривожлантиришга, шунингдек, асосий билимларни ўзлаштиришга киришдилар. Бунинг тавсия этилган вазифалар, аввалроқ ҳал қилинган намунадаги моделга ёки дарсликда батафсил тавсифланган алгоритмга мувофиқ амалга оширилди. Бундай вазифалар ўрганилган асосий

бирлаштиришда муҳимдир улар талабаларни мустақилликнинг юқори даражасига кўтариш учун шароит яратишга ҳисса қўшадилар.

Иккинчи турдаги мустақил иш фаолияти - реконструкцияловчи ўзгарувчан вазифалар, улар бўйича талабалар янги вазиятларни таҳлил қилиш, уларни қайта тузиш, уларни олдиндан ўрганилганлар билан таққослаш, дастлабки маълумотни айлантириш, энг оқилона ечимларни танлашлари керак эди. Буларнинг барчаси биринчи турдаги нисбатан мустақилликнинг юқори даражасини талаб қиласди.

Эвристик ишларни амалга ошираётганда, талабаларнинг автономияларининг янада юқори даражаси намоён бўлди. Бундай ишлар билим ва кўникмаларни одатий, ноанъанавий ҳолатларда ўтказишни талаб қиласди.

Талабаларнинг мустақиллигининг олий даражаси ижодий, илмий-тадқиқот ишларида намоён бўлди. Бундай ишларда тўпланган эгаллаши лозим бўлган тажрибадан фойдаланган ҳолда, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини тарғиб ва текшириб чиқадиган бўлсак, талабалар ўрганилаётган обьектлар ҳақида янги маълумотни топишни ўрганишди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, синифда ўқиши жараёнида мустақил иш фаолияти даражасининг мунтазам ортиб бориши билан, дарсдан ташқари дарсларда мустақил иш фаолиятининг бажарилиши сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилади. Талабалар мустақил иш фаолиятининг маҳорати ва малакасини оширадилар.

Бумеранг технологияси ёрдамида талабалар нафақат тинглашади, балки режалар тузадилар, саволлар беришади ва ўртоқларнинг саволларига жавоб беришади ва доимий равишда кичик гуруҳларда ўзгариб турадилар, улар нафақат эслаб қолишга уринибгина қолмай, балки бу ҳақда чуқур мулоҳаза юритишга ҳаракат қиласди. Шу тарзда ташкил қилинган тест талабаларнинг билим даражасини оширишга катта ҳисса қўшади.

Ушбу мисолда талабаларнинг ўкув адабиётлари бўйича янги материални ўқитиш усули сифатида ўзлаштирган мустақил иш фаолияти ўқитувчининг

яхши билими ва ташкилотининг турли усулларини амалий эгаллашини талаб қиласди.

Мустақил иш фаолиятини ташкиллаштиришнинг дарсдан ташқари шаклини кўриб чиқамиз. Математика бўйича талабаларнинг мустақил иш фаолиятининг турлари орасида уй вазифаси ҳисобланади. Аммо тез-тез, талабалар бир-биридан уй вазифасини қайта ёзадилар, механик тарзда қайта ёзишади - қандай ва нима қилиш кераклигини тушунишмайди, қандай формулалар қаердан келганини ҳал қилиш бўйича. Механик қайта ёзишни истисно қилиш учун, биз, математика кафедрасининг ўқитувчилари қуидаги усули билан фойдаланамиз: уй вазифаларини текшириш ўрнига, ҳар бир талабага уйда ўрнатилганига ўхшаш карточкаларга алоҳида топшириқ берамиз. Бу ҳолда, ҳамма вазифалар ҳар хил, бир хил турдаги, фақат рақамлар билан фарқ қиласди. Бу топшириқ 10 дақиқадан кўп бўлмаган вақтни олади, ундан кейин мустақил иш фаолияти билан барглар тўпланади ва баҳоланади. Ва уй вазифаси фақат мавжудлиги учун текширилиши мумкин. Бундай мустақил топшириқ синови билан талабалар ўзларининг барча вазифаларини ўzlари қайта ёзадилар, кейин эса мазмунли қилиб, нима қилиш кераклигини ва қандай формуладан фойдаланишни, қайердан олинишини билиб олишади. Бу энди механик алдаш эмас, балки қўшимча консультация, қопланган материалнинг изохи [94].

Бундан ташқари, бу уй вазифаси усулини ҳам қўллашингиз мумкин: ҳар бир талаба ўқитувчи билан биргаликда кўриб ўтилган ва ҳал қиладиган бир хил турдаги мисол ва вазифалар билан чиқади. Мисол учун, "Аналитик геометрия элементлари. Асосий метрик формулалар "сегментнинг узунлигини аниқлашни ўрганамиз, яъни. икки нуқта орасидаги масофа, сегментнинг ўртаси, сегментни ушбу нисбатга бўлиниб, учбурчакнинг оғирлик марказини топинг ва ҳар бир талабанинг уй вазифаси - учбурчакни, учбурчак белгилари, уларнинг координаталарини топиш, томонларнинг узунлигини, томонларнинг ўрта нуқталарини ва учбурчакнинг марказини топиш учун (учбурчак, учбурчак учун учбурчак) чизиш. Шу билан бирга,

барча талабалар турли вазифаларни бажаришади ва мустақил равишда амалга оширилиши керак ва бунинг ижодкорлик унсурини тақдим этиши ҳақиқатга қизиқиши оширади.

Математика фани доирасидаги дарсларда талабалар ўз билимларини чуқурлаштирадилар, мантиқий фикрлашни ривожлантирадилар, тасаввурларга берадилар, ижодий ғояларни тўлиқ амалга оширадилар, илмий фаолият кўнималарини эгаллайдилар ва такомиллашадилар. Натижада, талаба автономлиги даражасининг ошиши ва ўз-ўзини тарбиялаш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиши [117,120].

Тадқиқотимиз доирасида олий таълим тизимида физика ва астрономия ўқитиши методикаси бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Математика фанидан амалий ишлар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, қорақалпоқ тилида таълим олувчи талабаларнинг ўқув амалиётига жорий қилинган.

Физика ва астрономия ўқитиши методикаси бакалавр таълим йўналишининг малака талабларида таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш воситаларига оид масалалар келтириб ўтилган.

Жумладан, математика ва табиий-илмий фанлар блокида қуйидагилар келтирилган:

- ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

- ўқитишининг илмийлиги ва қўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедия имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

- замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитиши индувидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириш [29].

Олий таълим тизимини мазмунан модернизация қилиш, илғор тажрибалар асосида ўқитиш жараёнинга электрон таълим ресурслари ва мультимедиали технологияларни жорий этиш, бунда кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда олий таълим тизимининг сифат-самарадорлигини тубдан яхшилаш олий таълими фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинган.

Тадқиқот ишимиз доирасида “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўкув қўлланма ишлаб чиқилди (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28-декабрдаги 676-сонли буйруғига асосан нашр гувоҳномаси берилган). Ушбу ўкув қўлланма математика фанидан “5110200-физика ва астрономия ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган (2.5-расмга қаранг).



2.7-расм. Мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўкув қўлланма

Мазкур ўкув қўлланма “5110200-Физика ва астрономия ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган бўлиб, унда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсад ва вазифалари, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнинга илғор педагогик ва ахборот-коммуникация

технологияларини жорий этиш бўйича методик кўрсатма ҳамда тавсиялар, амалий машғулотлар берилган. Шунингдек, дарсда талабаларнинг фаоллигини ошириш ва фикрлаш орқали ўзлаштиришларни таъминлаш мақсадида мультимедиали иловалар тайёрланди. Ўқув қўлланманинг мультемедияли иловаларига: анимация, видео, амаллар устида ишлаш, математик мисоллардан наъмуналари, тест-топшириқлари, дидактик ўйин, муаммоли масалалар учун намуналар, тренажёр машқлари, расмли топшириқлар, бошқотирмаларга оид машқлар киритилган. Уларда талабаларнинг математик материалларини осон ўзлаштиришларини, геометрик амалларни содда, аниқ йўллари билан амалга оширишлари ва ижодий фикрлашга ўргатиш мақсадида турли жадвал, ребус ва бошқотирмалардан фойдаланилган. Машқ шартларида талабаларни ижодий фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундовчи, таққослаш, анализ, синтез ва кузатишга асосланган ҳолда хulosса чиқаришга йўлловчи, таҳлилни муайян изчилликда амалга оширишни таъминловчи топшириқларни берилганлиги дастур талабларини бажаришга хизмат қиласи. Бундан ташқари ўқув қўлланмада “Маъруза матни”, “Қисқа саволга қисқа жавоб”, “Ментал харитаси”, “Даражали тестлар”, “Мустақил ишлаш учун мисоллар”, “Видеодарс”, “Интерактив саволлар”, “Интерактив видеолар” каби илғор педагогик методлардан самарали фойдаланилган.

Ишлаб чиқилган ўқув қўлланмада талабаларга дарсга тайёргарлик кўришда ва мустақил иш фаолияти топшириқларини ўзлаштиришда қўйидаги имкониятларни беради:

- мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришни замонавий тарзда моделлаштириш;
- фан бўйича билимларни чукурлаштириш учун қўшимча маълумот ва ахборотларга эга бўлиш;
- назарий ва мустақил ишлашни тайёрлаш.

Математика дарсларида замонавий ва ахборот-коммуникация технологиялар таълимнинг сифат самарадорлигини оширади, талабаларнинг

мустақил фикрлаш жараёнини шаклантиради, талабаларда билимга иштиёқ ҳамда қизиқиши ўстиради, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фодаланиш кўникма, малакаларни шакллантиради.

Компьютер мониторида содир бўлаётган ҳодисаларни талаба кўриб ва эшитиб, фикрлаш орқали билишга интилади. Талаба сезги органлари ёрдамида экранда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни идрок эта бошлайди. Чунки экранда уларнинг хосса ва хусусиятлари акс эттирилади.

Олий таълим тизими талабаларида зарур кўникмаларни шакллантириш, “5110200-физика ва астрономия ўқитиши методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган сифат-самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқитишининг замонавий усул, воситаларни амалиётга жорий этиш натижасида: талабанинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини бугунги кунда энг зарур бўлган математик тафаккури, турли маълумотлар билан ишлаш, мантиқий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, мустақил иш фаолиятини тўғри ташкил этиш қоидаларини эгаллаш, таълимий вазифани бажариш каби кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Математика фанидан амалий ва мустақил таълим ўкув қўлланмасининг ўқитувчилар учун афзаллиги: ўқитувчиларнинг мунтазам ўз устида ишлашларига имкон яратади. Дарсга хар доим тайёр бўладилар. Дарсларни ноанъянвий кўринишида ташкил қиласилар. талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ортади. Бўш ўзлаштирувчилар билан бўшлиқларни тўлдиришда ёрдам беради. Ўқитувчининг ота-оналари билан хамкорликда ишлаш имконини яратади.

Талабалар учун афзаллиги: ўқишга бўлган қизиқиши ортади, ўқишида юқори кўрсаткичларга эга бўлади. Мустақил иш фаолиятини топшириқларини бажаришда қийналмайди, дарс қолдирган тақдирда ҳам янги мавзууни ўзлаштириш имконини беради, мустақил, эркин фикрлашга

ўргатади. Кейинги босқичда билим олишга иштиёқи кучаяди, тенгдошлари билан ўзаро муносабатлари яхшиланади.

Математика дарсларида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда ўқув қўлланма материаллари мухим ўрин тутади. Биз қўйида “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” ўқув қўлланмаси мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш воситаларидан мисоллар келтирамиз.

Талабаларнинг салоҳиятини ҳисобга олинган ҳолда уларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиша ўйин технологияларидан ҳам фойдаланилди. Г. К. Селевко таърифига кўра, ўйин технологияси – бу ижтимоий тажрибани юзага келтириш ва ўзлаштиришга йўналтирилган вазиятлар шароитида фаолият юритиш тури бўлиб, унда хулқатворни мустақил бошқариш шаклланади ва такомиллаштирилади. Талабаларда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўйин технологиялари орқали таълим шароитларини юзага келтириш воситаси сифатида кўриб чиқилади ва талабалар ўз номидан, лекин муайян хаёлий вазиятда мисоллар ечиш билан амалга оширилиб, унда талаба ўқитувчи томонидан берилган муайян ролни бажаришга мажбур бўлади. Шунингдек, лисоний интерактив машқлар бажариш воситасида математик компетенцияларни шакллантириш ҳам қўпинча ўйин характеристига эга бўлади [115].

А.Бобомуродованинг тадқиқоти таълим жараёнида ўйин-топшириқларидан фойдаланиш масаласига қаратилган. Ташкил этиладиган таълимий ўйинлар мазмуни ўз ичига тўрт омилни қамраб олади: 1) ўйин вазифаси; 2) ўйиннинг ҳаракати; 3) ўйиннинг қоидаси; 4) ўйиннинг якуни. Математика фанидан талабаларга бериладиган ўйин топшириқларнинг мураккаблик даражасига кўра уч турга ажратиш мумкин:

- 1) қайта хотирлашга асосланган ўйин-топшириқлар;
- 2) қисман ижодий ўйин-топшириқлар;
- 3) ижодий ўйин-топшириқлар.

Қайта хотирлашга асосланган ўйин-топшириқлар талабадан ҳеч қандай

ижодийликни, эгаллаган билимларни янги шароитда қўллашни, яратувчанликни талаб этмайди.

Қисман ижодий ўйин-топшириқлар талабадан маълум бир ёрдамга асосланган ҳолда ижодий фаолият кўрсатишни талаб этади.

Ижодий ўйин-топшириқлар олдин эгалланган билимларни тамомила янги шароитда қўллаш демакдир. Шубҳасиз, бу жараён талабадан ижодийликни, изланувчанликни талаб этади [83].

Ўйиндан мустақил иш фаолиятининг турли босқичларида фойдаланиш мумкин, лекин улар шундай жойлаштрилиши керакки, талаба оғир ақлий меҳнатдан сўнг ўйиндан ўзига эмоционал қувват олсин. Ўйин жараёнида талаба ўзининг ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига солиштиrsин, ўзини англай борсин ва унда ташаббускорлик пайдо бўлсин. Математика дарсларида қўлланилиб келинаётган ўйинлар хилма-хил бўлиб,

улар турли томондан турларга бўлинган. Дидактик ўйинлар талабаларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, ясаш, синаш, кузатиш, солишириш, хулоса чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гурух ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ-одоб, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимлар ўргатиш ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларга ажратилади.


Мустақил иш фаолиятини дидактик ўйинлар воситасида олиб бориш талабаларнинг ақлий фаолиятга тезроқ киришишлари ва адаптация ҳосил қилишларига ҳам кўмак беради. Янги дарс бошланишида ёки ўтган дарсни мустаҳкамлаш пайтида дидактик ўйинлардан фойдаланиб, талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишишини ошириш мумкин. Қуйида “5110200-физика ва астрономия ўқитиши методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган қўллаш мумкин бўлган ўйин намуналарини келтирамиз.

Замонавий интерфаол машғулотлардан бири “Ментал харита” тузишdir. Бунда талабаларга аввал ментал харита қандай бўлишини тушунтириш лозим бўлади. Ўқитувчи томонидан талабаларга мустақил ишлашларини ташкил этиш учун қуидагича манбаалари берилади (2.8-расмга қаранг).

Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида STEAM таълим технологиясидан фойдаланишниш афзалликлари ва мазмуни тадқиқот ишимизда очиб берилди.

STEAM таълим технологияси мактаб ўқувчиларини янгича ўқитиши методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиши методикасидан фарқли методика ҳисобланади. "STEAM" қисқартмаси биринчи марта 1990-йилларда америкалик бактериолог Р.Колвелл томонидан таклиф қилинган, аммо фақат 2000-йиллардан фаол фойдаланила бошлади. У ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида тўртта – фан (Science), технология (Technology), мухандислик, (Engineering), тасвирий санъат (Art), математика (Math) бўйича ўқитишига

мүлжалланган. STEAM фан бўйича эмас, балки мавзулар бўйича интеграцияллашган ўқитиш тизимида.



2.8 -расм. “Ментал харита” устида ишлаш учун берилган интерфаол үйин

Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида STEAM таълим технологиясидан фойдаланишниш афзалликлари ва мазмуни тадқиқот иши мизда очиб берилди.

STEAM таълим технологияси мактаб ўқувчиларини янгича ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли методика ҳисобланади. "STEAM" қисқартмаси биринчи марта 1990-йилларда америкалик бактериолог Р.Колвелл томонидан таклиф қилинган, аммо фақат 2000-йиллардан фаол фойдаланила бошлади. У ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида тўртта— фан (Science), технология (Technology), мухандислик, (Engineering), тасвирий санъат (Art), математика (Math) бўйича ўқитишга мўлжалланган. STEAM фан бўйича эмас, балки мавзулар бўйича интеграцияллашган ўқитиш тизимирад.

STEAM таълими амалий машғулотлар ёрдамида илмий-техник билимларни реал қўллаш тушунилади.

Президент мактабларида “STEAM” таълим дастури асосида ўқитиш ташкил қилиниши, 9-11-синифларда ўқувчилар ўзларининг қизиқишига қараб айрим фанларни танлаш орқали индивидуал билим олиш имкониятига ҳам эга бўлиши билан умумтаълим мактабларидан тубдан фарқ қиласди. Чунки Президент мактабларининг асосий вазифаларидан бири – табиий ва аниқ фанларни чуқур ўқитиш, ўқувчиларнинг инновацион билимларни ўзлаштириши, уларнинг интеллектуал, илмий-ижодий салоҳиятларини очиб бериш ва ривожлантиришдан иборат.

STEAM ёндашувига оид дарслик ва ўқув қўлланмалаи Cambridge University Press шу жумладан Oxford University Press ва Collins каби нуфузли нашриётлар томонидан чоп этилган. Cambridge таклиф қилинаётган ўқув дастурининг асосий афзаллиги жаҳон меҳнат бозоридаги томойиллардан келиб чиқиб, ўқувчилрда тегишли замонавий билим ва кўнижмаларни шакллантиришга урғу беришdir.

Ўқувчиларга мазкур фанларни ўқитишида малакали маҳаллий ўқитувчилар билан бир қаторда, хорижлик ўқитувчилар ҳам ҳамкорликда сабоқ берадилар. Юқори малакали хорижий мутаҳасисларни ишга ёллашда мазкур йўналишда кўп йиллик тажрибага эга “Teachaway” (Канада) ва “TIC Recruitment” (Буюк Британия) рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда ишлар амалга оширилмоқда.

9-11-синф ўқувчиларининг қизиқишилари ва хусусиятларига қараб, Президент мактабида лаълим ўқву жараёнини индивидуализация қилинган ҳолда олиб борилади.

Президент мактаблари битирувчилари белгиланган тартибда давлат томонидан тастиқланган шаҳодатнома, аттестат билан бир қаторда, ҳалқора нуфузли олий ўқув юртларига кириш учун таёргарлик кўришади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Муҳаммад ал-Хоразмий

номидаги мактаб STEAM таълим масканларидан яна бири ҳисобланади. Бундай дейишимизга сабаб ўқувчиларга белгиланган таълимни бериб боришда малакали маҳаллий ўқитувчилар билан бир қаторда, ҳорижлик ўқитувчилар ҳам сабоқ берадилар.

Ушбу жараён умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг фан бўйича ўзлаштириши кўзда тутилган билимлар билан бирга инглиз тилида эркин мулоқот қилиш компетенцияларини шакллантиришга ҳам ҳизмат қиласди. ўқувчилар ҳорижлик ўқитувчилар томонидан берилаётган топшириқларни ёки ахборотни инглиз тилида тинглайди. Қуида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда таълим берәётган ҳорижлик ўқитувчилар ва дарс жараёнлари ҳақида мисоллар келтирилди

Ушбу тажрибани олий таълим тизимида қўллаш талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини юқори босқичга олиб чиқишга ҳамда мустақил иш фаолиятини ташкил этиш самарадорлигига эришишга замин яратади.

Олий таълим тизимида ҳорижлик олимларнинг маъruzаларини тинглаш, керакли маълумотларни олиш, он-лайн мастер классларда иштирок этиш истагида бўлган талабалар кўпчиликни ташкил этади. Лекин, уларда медиатаълимга оид билимлари етишмаганликлари туфайли уларнинг иштиёқи сўниб боради. Ахборот оқимидан тўғри фойдаланиш, ахборот ресурсларини қўллаш усулларини ўргатиш орқали талабаларда ахборотлашган таълим муҳитини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Ушбу мақсадларни тўла амалга ошира олганлиги, ахборотларни тўплаш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш имкониятлари мавжудлиги учун компьютерлар таълим жараёнининг энг қудратли ва эгилувчан воситаси ҳисобланади.

Илмий педагогик адабиётларда ёзилишича, таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланишни ахборот технологиялари таъминлади. Кейинги вақтларда компьютерлар шундай дастурлар билан ишламоқдаки, улар фойдаланувчилар учун унча катта малака талаб қилмайди.

Хозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, у ҳар бир инсонга қаерда, қайси соҳада ишламасин заруратга айланди.

Мустақил иш фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитиш ўқитувчи ва таълим олувчилар ишини анча осонлаштиради. Хусусан, “5110200-физика ва астрономия ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишни компьютер воситалари асосида ўқитиш қуидаги имкониятларни яратади:

- ўқитувчини такрорланувчи меҳнатдан халос этади ва унинг вақтини тежайди;
- яққол тасвирлар натижасида талабаларда фазовий тасаввурлар шаклланади;
- талабаларнинг иш тартибини тез ўзлаштиришини таъминлайди;
- фанга оид назарий маълумотлар қўргазмали воситалар (рангли тасвирлар, уларнинг фазовий кўринишлари) ёрдамида тушунтирилади ва натижада талабаларда илмий билишга эҳтиёж ортади.
- дарс жараёнида талабаларнинг фаоллиги ва қизиқишини оширади;
- ажратилган вақтдан унумли фойдалана олади.

“5110200-физика ва астрономия ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган зарур кўникмаларни шакллантириш, олий таълим сифат самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқитишнинг замонавий воситаларини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишга шароит яратади. Олий таълим тизимида математика фанини ўргатишнинг мазмуни жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида давлатимизнинг олий таълим тизимида олдига қўйган вазифасига мосланган. Бу вазифалар кўп қиррали бўлиб, уларни бажариш талабалар онгини

ўостиришга, уларга ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини беришга, мустақил ишлаш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, “5110200-физика ва астрономия ўқитиши методикаси” таълим йўналиши талабаларининг математика фанидан мустақил иш фаолиятини самарали ташкил этишга тайёрлаш қандай бўлишини аниқлаб олишимиз керакки, семинар ёки амалий машғулоти, бир тарафдан, ҳар бир талаба учун ўзига хос бир воқеага айланиши, ҳақиқий ҳис-ҳаяжон, хаёл ва мазмун манбаи бўлиши, масалаларни ечишда компенсация қила олиши, дунёни яхлит идрок этишни шакллантириши лозим бўлса, шу билан бир вақтда талабаларнинг ўзаро муносабатларда миллий маданий лаёқатларини шакллантиришга имкон яратиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиладиган замонавий педагогик, ахборот технологиялари ва ўқув кўлланманинг уйғунлигини таъминлаш орқали мустақил иш фаолияти жараёнида ўқитувчи билан талabalар орасида ҳамкорлик, ўзаро мулоқот қилиш ва ижодий фаоллик кўрсатиш учун қулай шароит яратилади. Талabalар топшириқларни индивидуал бажариш жараёнида уларнинг ақлий фаолияти жалб этилади, ўз билими, қучи ва қобилиятига бўлган ишонч ортади. Бунинг натижасида ҳар бир шахс ўз имконияти даражасида ривожланади.

Шундай қилиб, мустақил иш фаолиятини ўрганиш жараёнида тўлиқ амалга ошириш керак деган хулосага келиш мумкин. Улар тўғри ташкил этилиши керак, мустақил иш фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими тўғри ташкил этилиши керак. Мустақил иш фаолияти одатда ижодий бўлиши ва мавзуга қизиқиши оширишлари керак. Мустақил иш фаолиятини ташкил қилишнинг шакл ва усулларини танлаш муайян мавзуга, ўқитувчининг мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек, тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ.

2.3- § Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантириш ва уни бошқариш моделлари

Талабаларда мустақил иш фаолиятидаги таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда талабаларнинг фаоллигини таъминлаш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларга салбий муносабатда бўладиган талабалар билан фаол талабаларнинг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этиш, уларда ижодий ёндашув кўникмалари ва қизиқишлир шакллантириш муҳим аҳамият касб этувчи вазифалардан ҳисобланади.

Талабаларда Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантиришни такомиллаштириш стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштиришда, шунингдек, Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш, унинг заруриятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий асослашда қўйидаги долзарб масалаларни ҳал этилиши зарур:

Давлат, жамият ва шахс эхтиёжларининг ривожланиш даражаси билан талабаларда Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантириш субъектлари (талаба ва ўқитувчилар)нинг шахсий хислатлари ва касбий лаёқатларини шакллантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиқлик; математика фанидан Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантиришни бошқаришнинг функция ва методлари ҳамда уларни амалга оширишга замонавий ёндашувларни илмий асосланмаганлиги; мураккаб педагогик тизим сифатида математика фанидан Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантириш компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлигини таъминловчи инновацион ёндашувларни амалиётда қўллаш технологияларини ишлаб чиқилмаганлиги; математика фанидан Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантиришни такомиллаштиришда раҳбарлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг қўшимча

таълим олиш учун шахсий эҳтиёжларини шакллантириш, рефлексив таълимий муҳитни ва табиий рақобатни вужудга келтириш технологияларининг мавжуд эмаслиги; математика фанидан Мустақил таълим олиш кўникмасини ривожлантириш йўналишларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга қаратилган узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ.к.

Тадқиқот ишимиз доирасида электрон ахборот ташувчи воситаларнинг афзалликлари ва улар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Шу ўринда электрон ахборот ташувчи воситаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

ЭАТР электрон ахборот ташувчи воситалар – дискета, CD-ROM, DVD кабиларда ўкув ахборотини ташиш ёки Интернет тармоғи орқали электрон почта орқали юбориш имкониятини таъминлайди. Аксарият ҳолларда тингловчилар ЭАТР бўйича ўкув ахборотларини Интернет тармоғига боғланган ҳолда тегишли сайтлардан олади.

Куйида ЭАТРнинг асосий шакллари моҳияти хусусида сўз юритилади.

ЭАТРнинг ишчи ўкув дастури – намунавий дастур асосида ДТС ва муайян, аниқ таълим муассасасига мос равища ўкув жараёнининг методик, ахборот, техник таъминлаш имконияти, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилиб, ОТМнинг кенгашлари томонидан тасдиқланадиган электрон ўкув дастури

Ишчи ўкув дастурларини яратиш тартиби таълим тизимини бошқарув органлари томонидан белгиланади.

ЭАТР хужжати – ўкув модулини самарали ўзлаштириш учун зарур бўлган компьютер дастурлари ҳамда маълумотлар базасини ўзида қамраб олган ўкув ва методик ахборот ҳамда бошка турдаги материаллар

Электрон дарслик (ЭД) – муайян ўкув модели бўйича яратилиб, бу турдаги ўкув адабиётини яратишга қўйилган талабларга тўла жавоб берган ҳолда нашр маҳсулоти сифатида чоп қилиниши учун расман рухсат этилган электрон шаклдаги дарслик

Бу турдаги дарсликлар маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ҳолда электрон ахборот ташувчи (CD, DVD ва х.к.)лар ёрдамида узатиладиган ёки компьютер (Интернет) тармоғида фойдаланишга асосланган ахборотлар ёрдамида ўқув модули бўйича билимларни ўзлаштириш имкониятини яратади.

ЭД анъанавий дарсликка нисбатан “бир мунча юқори интеллект”га эга бўлиши зарур. Бинобарин, компьютер ўқитувчи фаолиятининг бир нечта қирралари (зарур ўринларда маслаҳат бериш, эгалланган билимларни мустаҳкамлашда методик ёрдам кўрсатиш ва х.к.)ни имитация қила олиши лозим. Шу билан бирга ЭД ўрганилаётган ўқув модулига оид қўшимча маълумотлар асосида ўқув материалларини тўлалигича қамраб олиш имкониятига эга бўлади. Ўқув модули бўйича тўла ўқув маълумотларни қамраб олиш имконияти ЭДнинг амалий қийматини белгилаб беради. ЭДнинг “юқори интеллектга эгалиги” унинг анъанавий дарслик (фақатгина компьютерда фойдаланиш)га нисбатан амалий қийматга эгалигини ифодалайди. Зеро, ЭД зарур маълумотларни тезкор излаш, уларни қайта ишлаш қулай, зарур ҳажмда ихчамлаштириш ва б. қўшимча имкониятларга эгаликни ҳам намоён этади.

Электрон дарсликлар бир неча турга бўлинади. Улар:

Электрон дарсликларнинг турлари:

- 1) мустақил таълим олиш учун мўлжалланган ва услубий материаллардан ташқари қўшимча тарзда сўровномалар, глоссариялар, ўқув материалининг илмий таснифи, уларни алгоритмик ўзлаштириш бўйича машқлар ва малака рўйхатини қамраб олган **дарслик (гиперматн)**;
- 2) ўқув материалига ҳаракат бағищловчи **видео** (бунда ахборотни қабул қилишнинг эшитиш ва кўриш каналларидан фойдаланилади) ҳамда тингловчига ҳиссий таъсир кўрсатиш орқали ўқув материалини ўзлаштиришни кучайтирувчи

ёзib олинган аудио маъruzалар;

3) ўрганилаётган фанларнинг тингловчи томонидан ўзлаштирилишига кўра алмаштирилиб, кодоскоп, проектор (мультимедиа проектори) имкониятларидан фойдаланган ҳолда семинар тусида ташкил этиладиган дарс учун мўлжалланган **ўқув материаллари**;

4) супертьюторлар шаклидаги **ўқув компьютер дастурлари** (машқ қилдирувчи дастурлар), **профтъюторлар** (ихтисослик фанлари дастурларини характерловчи ўқув материаллари), комплеевлар (робот ва тармоқлар билан боғлиқ компьютер ўйинлари; бу воситалар семинар варианти сифатида гурух учун ҳам, мустақил таълим олиш учун ҳам қўлланилади);

5) мунозара шаклидаги **фаол семинарлар**, “**давра столлари**”, **ролли ўйинлар, ишчанлик ўйинлари**

(касбий вазиятларга тақлид килинадиган ҳамда ҳар бир тингловчининг билим ва малакасидан фаол фойдаланишни назарда тутадиган бошқа ўйин шакллари)

Таълим жараёнида қўллаш учун яратилган электрон дарсликлар ҳам нашр ишлари ҳисобланади ва илмий иш олиб бораётган амалиётчилар учун мўлжалланган интеллектуал иш сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосларига кўра ҳар қандай интеллектуал иш яратувчиси белгиланган тартибда муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади. Қоидага кўра муаллифлик ҳуқуқини олишга даъвогар бўлган интеллектуал иш яратувчиси Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (Давлат патент идораси)да ўрнатилган тартибда авторлик ихтироси сифатида рўйхатдан ўтказилади.

Ҳар бир дарслик бир томондан маълум даражада автоном (мустақил) бўлиши, иккинчи томондан эса таркибий тузилмаси ва ундаги ахборот маълумотлари бичимлари (форматлари)га тааллуқли стандартларга жавоб бериши керак. Бу эса ўз навбатида зарур дарсликлар тўпламини ахборотлаштирилган таълим тизими (бунда ахборот-қидирув тизими, имтиҳон қилиш тизими “тест” ва х.к.)га йўналтирилган равишда осон ва тезкор йиғиши имконини беради. Агарда ЭД етарли даражада сифатли бўлиб

мазмун, ўқув жараёнини назорат қилиш ва эгалланган билимларни текшириш тизимиға эга бўлса, мавжуд эҳтиёжни қаноатлантириши мумкин. Ҳозирги кунда юқори сифатли ЭДни яратиш имконини берувчи услублар, дастурий таъминот ва ишланмалар мавжуд.

Электрон дарсликлар тугалланган мультимедия материали ҳисобланиб, одатда муаллифлик муҳити ёрдамида маълум бир дастурлаш тилида HTML – гиперматн бичимида яратилади.

ЭД On-line ва Off-line вариантларида тайёрланади. Яъни (2.9-расм):



2.9-расм. ЭД тайёрланадиган вариантлар ва уларнинг

ЭДни яратишда бир қатор талабларга риоя этилади. Улар ўз моҳиятига кўра қуидаги гурӯҳланади (2.10-расм):



2.10-расм. ЭДни яратишга қўйиладиган мухим

Эдни яратишга қўйиладиган педагогик талаблар кўйидагилардан иборат:

Эдни яратишга қўйиладиган педагогик талаблар:

- ўрганиладиган курс материалининг осонроқ ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида қоғоз вариандаги дарсликлардан фарқли равища овозли файллари, анимация, ҳиссий таъсир ва б. билан бойитилиши;
- тингловчининг билим, касбий компетентлик даражасига мос келиши;
- тингловчининг ҳиссий ва жисмоний салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда яратилганлиги;
- имкон қадар дарс мазмунига мос равища мавзуни анимация ёки бошқа шу каби аудиовизуал воситалар ёрдамида визуллаштириш (кўриш рецепторини ишга тушириш);
- катта ҳажмдаги ҳисоб-китоблардан ҳоли бўлиши;
- ўрганиладиган фан мазмунига кўпроқ эътибор бериш, масала ва мисоллар ечиш учун шароит яратиш;
- ўрганиладиган фан бўйича исталган босқичда ўз-ўзини мавзулар кесимида назорат қилишга имконият яратиш;
- ўрганиладиган фан бўйича тайёрланадиган ёзма ишларни исталган ахборот ташувчига ўтказиш, диск ёки бошқа ахборот ташувчи ёрдамида тақдим этиш имкониятини яратиш;
- фанни ўрганишда имконият доирасида калит сўзлар, қўшимча адабиётлар, гиперкўрсатмалар ва ёрдам функцияларидан фойдаланиш

Эдни яратишга нисбатан ўқув-услубий талаблар ҳам қўйилади. Улар:

Эдни яратишга қўйиладиган ўқув-услубий талаблар:

- кўп микдордаги масалаларни ечиш ёки бирламчи маълумотларни ўзгартириш орқали таҳлил қилиш, график интерпретациялардан фойдаланиш;
- таълим берувчига дарсни мустақил дарс кўринишда ўтказишга шароит яратиш, бу ҳолатда тингловчи маслаҳатчи ролида иштирок этиш;

- ўқитувчига таълим олувчилар ўзлаштирган билим даражасини турли хил мураккабликдаги (мураккаблик даражаси бўйича шакллантириладиган) тестлар ёрдамида назорат қилиш имкониятини бериш;
- дарсларга тайёргарликни ўқитувчига қулай усулда амалга оширишга имконият (слайд, матн, тақдимот (презентация), видеоматериал ва х.к.)ни яратиш

ЭД муайян функционал вазифаларни бажара олиши зарур. Шу сабабли уларни яратишга нисбатан функционал талаблар ҳам қўйилади. Эдни яратишга қўйиладиган функционал талаблар ва уларнинг моҳиятини ёритищдан аввал “функционаллик” тушунчасининг луғавий маъносини англаш олиш мақсадга мувофиқдир. Бирор нарсанинг тузилшига эмас, балки фаолиятига, хизматига, вазифасига боғлиқлик

(Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати:

Э.Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Далат илмий нашриёти, 2008. – 367-бет)

Демак, Эдни яратища унинг вазифасига нисбатан қўйиладиган функционал талаблар қўйидагилар саналади:

ЭД яратишга қўйиладиган функционал талаблар:

- **мазмун** – қоғоз вариантдаги китобга ўхшаш тарзда, калит сўзларни қидириш имконияти мавжуд, фанни тўлдирадиган қўшимча маълумотлар билан бойитилган;
- **мослашувчанлик** (таълим олувчининг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда, ўтилган мавзуни қайтариш, мавзу устида ишлашларни индивидуал темпда амалга ошириш);
- **кўптерминалли-статик маълумотларни таҳлил қилиш** имкониятининг мавжудлиги;

- тингловчининг ЭДдан фойдаланиш частотаси, тест натижалари, тўғри-нотўғри жавоблари, қайси саволларда кўпроқ хатога йўл қўйганлиги таҳлил қилиш имкониятига эгалик;

- **интерактивлик** – табиий мулоқотни имитациялаш (ЭД матни билан тингловчи ўртасида мулоқот ўрнатиб, сўровнома, вербал, новербал, овоз ва б. ёрдамида ўқитувчи мавжудлигини ҳис этиш имкониятига эгалик);

- **назорат ва таҳлил** (ЭДнинг тингловчилар томонидан бериладиган саволлар моҳиятини англаш, тушунишга ёрдам бера олиши, ўқув модулинин муваффақиятли ўзлаштириш даражасини назорат қилиш учун имкониятни яратиши);

- **қайтар алоқани таъминлаш ва индивидуаллик** (таълим жараёнида тўлдирувчи ва маслаҳат берувчи дастурлар ёрдамида тингловчи томонидан ўқув модулинин ўзлаштиришда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш имкониятининг яратилиши)

Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича, ЭАТРнинг энг кўп тарқалган тури бўлган ЭД қуидаги талабларга жавоб бериши зарур:

1) ўқув дастури ва ўқув-методик ишларини нашр этилишида қўйилувчи талабларга жавоб бера олиши (ОТМ илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланади);

2) ЭДнинг муайян соҳа йўналиши бўйича биринчи бор тақдим этилаётган ёки аввал нашр этилган методик кўлланманинг электрон версияси сифатида тайёрланганлиги ва мазмунан умумий ёки маҳсус курсга тааллуқлиги;

3) маълум ўқув курси (ёки унинг бир қисми)нинг Мазмунини очиб бериш ҳамда ўқув-методик мақсадларга эришишга имкон бера оладиган даражада ҳажмга эгалик;

4) ўқув-методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементлар (максимал даражада компьютернинг мультимедиа имкониятларидан фойдаланиш имконияти)га эгалик;

- 5) материални монитор экранида кўриш ва тармоқ бўйлаб жойлаштириш хусусиятининг инобатга олинганилиги;
- 6) матнда гиперкўрсатмаларининг мавжудлиги, зарур ҳолларда WEB манбалари ва бошқа ахборот ресурсларининг кўрсатилганлиги;
- 7) тингловчининг материални ўзлаштириш даражасини мустақил баҳоланишини таъминловчи назорат саволларининг мавжудлиги;
- 8) кўплаб тилларда ишлаш ҳамда имконияти чекланган талабалар учун маҳсус шароитларнинг яратилганлиги


ЭД мақсадга йўналтирилган, шахснинг ривожланишига мўлжалланган, таълим мақсадига эришиш учун педагогик методлар ва технологияларнинг услубий изчилилигига эга бўлган педагогик сценарий асосида тузилади. Ўқув материали ва унинг ўқув кадрларида жойлаштирилиши тузилмаси сценарийга мос тарзда амалга оширилади. Шу сабабли ЭДнинг сценарийсини ишлаб чиқища муайян ҳолатларни инобатга олиниш мақсадга мувофиқ. Қуйида келтирилладиган ҳолатларнинг ЭД сценарийсини ишлаб чиқища инобатга олиниши тингловчичи томонидан ундан осон ва қулай фойдалана олиши учун имконият яратади:

- 1) барча ўқув материал мантиқий тугалланган бўлиши, ҳар бир модулда битта мавзу ёритилиши, ҳар бир дарс назарий ва амалий қисмлар, тест учун машқлар бўлими, уй вазифалари бўлимидан ташкил топган бўлиши;
- 2) ойнада намоён бўладиган, кадрга жойлаштириладиган назарий қисмни ташкил қилувчилар, тасвирий мультимедиа материали ўрганилаётган материалларни идрок этиш, тушуниш, эсда сақлаб қолиш ва ўзлаштиришни кучайтиришда катта аҳамиятга эгалиги эътибордан четда қолмаслиги, тасвирий материалларни жойлаштиришда эргономика талабларига риоя қилиш;
- 3) кадрда жойлаштирилган матнли материаллар мазмунан тугалланган бўлиши;

- 4) бўлимлар ва мавзулар бўйича ҳаракатланиш эркин равишда амалга оширилиши (зоро, шу тарзда тингловчи ўтилган мавзуларни такрорлаши ёки уни нима кутаётганилигини билиш мақсадида бироз олдиндаги материалларга назар солиши мумкин), бўлимлар ва мавзуларга мос тарзда гиперматнли мундарижадан фойдаланиш;
- 5) ЭД дарслик аниқ ўқув фанининг ўзига хослигини белгиловчи ҳар бир бўлим бўйича мазмунни, назорат саволлари, машқлар ва топшириқлардан ташкил топиши ҳамда ушбу бўлимларда ўқувчининг электрон дарслик билан интерфаол диалогдан фаол фойдаланиш (бўлимни машқлар ёки топшириқлар тўплами билан алмаштириш керак эмас, аксинча, таклиф этиладиган назорат саволлари тнгловчи айни дамда ўрганаётган ва бу материални яхши ўзлаштиришига хизмат қиласидиган асосий ўқув материалининг матнига бевосита боғлиқ, шунингдек, тингловчининг бўлим бўйича у ёки бу саволларга, машқларга ва топшириқларга мурожаат этиш вақти педагогик сценарий бўйича белгиланган бўлиши керак);
- 6) ЭДдаги асосий тушунчалар, атамалар, таърифлар ҳақида тезкор маълумот олишга имкон берувчи излаш тизимларига эга бўлиш;
- 7) маълумотномага кириш ЭДнинг ҳар қайси сахифасидан осон амалга оширилиши;
- 8) ЭД тингловчининг жорий ва якуний назорат бўйича тест-синовини ўтказишни таъминлайдиган тизимиға эга бўлиши; тингловчининг тестларга мурожаат этиши педагогик сценарийда белгиланган бўлиши;
- 9) ЭД “Таълим электрон ресурслариға қўйиладиган умумий санитария-гиена талаблари”да кўрсатилган қоида ва меъёрлариға тўла жавоб бериши
ЭДни яратиш ҳам ҳар қандай турдаги маҳсулотни яратиш каби муайян жараёнда, бир неча босқичда кечади. Мавжуд босқичларда ЭДни яратиш учун тақозо этиладиган педагогик, ўқув-методик ва функционал талаблар инобатга олинган ҳолда аниқ вазифалар ҳал этилади. ЭДни яратиш босқичларининг тизимлаштирилиши ана шу йўлда ташкил этиладиган

ижодий фаолиятни муайян изчилилликда, кетма-кет, аниқ мақсад асосида маълум вазифаларни ҳал этиб борилишини таъминлайди. Қолаверса, Эдни яратиш босқичлари бу турдаги интеллектуал маҳсулотнинг расмийлаштирилиши ва тегишли масъул органлар томонидан эътироф этилиши учун замин тайёрлайди.

Эдни яратиш қуидаги босқичда кечади (2.11-расм):



2.11-расм. Эдни яратишнинг асосий босқичлари

Е.С.Полатнинг фикрича, ўқитиши воситалари тизими дастур талабларига мутаносиб равишда ўрганилаётган фаннинг амалда эгаллаши учун

мўлжалланган бир тартибга келтирилган кўплаб ўзаро боғлиқ ўқитиш воситалари, яхлит, структурага ва интеграл сифатга эга бўлган таълим ва ривожланаётган ўқитиш мақсадларини ҳал этишдир [107]. математика дарсларида мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш воситалари тизимини яратиш тамойилларини қўйидагича шакллантириди.

2.2.- жадвал

Мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш воситалари тизимларини яратиш тамойиллари

№	Тамойил	Таркиби
1	Функционал тамойиллар	ҳар бир компонентнинг алоҳида ва бутун бир тизимнинг муваффақиятли амал қилиши
2	Талабаларнинг онглийлик ва ижодий фаоллик тамойили	ҳар бир талабани фаол ижодий фаолиятга жалб этиш
3	Кўргазмалийлик тамойили	воситаларни яратишда турлича кўргазмалардан (тасвирий, товушли ва ҳоказолардан) фойдаланиш
